

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019 ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ БАҲРИДДИН АҲМЕДОВИЧ

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ФАРҒОНА
ВОДИЙСИНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the annotation of doctoral dissertation

Усмонов Бахриддин Ахмедович Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.....	5
Усмонов Бахриддин Ахмедович Политическая, экономическая и культурная жизнь Ферганской долины в эпоху Амира Темура и темуридов:	39
Usmonov Bahriddin Akhmedovich Political, economic and cultural life of the Ferghana Valley in the era of Amir Temur and temurids.....	76
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	80

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019 ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВ БАХРИДДИН АХМЕДОВИЧ

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ФАРҒОНА
ВОДИЙСИНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2020.1DSc/Tar118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юсупова Дилорам Юнусовна
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Уватов Убайдулло Муродович
тарих фанлари доктори, профессор

Буриев Аманулла
тарих фанлари доктори

Аллаева Нигора Ашировна
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019 TAR.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998 71) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: info@uzhistory.uz.).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй).Тел: (998 71) 262-74-58; факс: (+998 71) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Азамат Зиё Ҳамид ўғли
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

М. Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

Кириш (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Темурийлар сулоласи тарихи дунёнинг кўплаб мамлакатларида кечган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, катта худудларни қамраб олган бу давлат ўз даврида йирик минтақалар интеграциясини вужудга келтирган. Амир Темур шахси “Европа халоскори”, дея эътироф этилган, ҳатто XIX асрда Францияда унинг рамзий олтин ҳайкалчаси яратилган эди. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилеи ЮНЕСКО ташаббуси билан дунё бўйлаб нишонланиши ва ушбу ташкилотнинг Париждаги штаб-квартирасида “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” ҳафталигининг ўтказилиши бу шахснинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятидан далолат беради. Шу жиҳатдан, Амир Темур ва темурийлар даврининг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига асос бўлган омилларни тадқиқ этиш нафақат маҳаллий, балки жаҳон тарихининг муҳим жиҳатларини очиб беришга хизмат қилади.

Жаҳон миқёсида Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга эътибор кучли бўлишига қарамасдан, унинг муҳим геостратегик қисми бўлган Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Мазкур худуддаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳолатни тадқиқ этиш асосан XV аср охири – XVI аср бошларига оид бобуршунослик тадқиқотлари доирасида амалга оширилган. Марказий Осиёнинг йирик ўлкалари бўлмиш Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистонга туташ худудда жойлашган Фарғона темурийлар даврининг сиёсий ҳаётида, шунингдек, Мўғулистон¹ давлати билан олиб борилган муносабатларда алоҳида ўрин тутган. Қолаверса, ўлкашунослик тадқиқотлари “микротарих” сифатида “макротарих”нинг яхлит манзарасини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек давлатчилигининг энг муҳим даврларидан бири темурийлар сулоласи бошқаруви тарихини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги изланишларни чуқурлаштириш эса, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати сиёсатининг стратегик вазифаларидан бири қилиб қўйилган. Хусусан, “Халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало, Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўзини қурбон қилган замондош ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида, Ўзбекистон халқига содиқ, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш”² лозимлиги долзарб вазифа этиб белгиланган. Шу

¹ Тадқиқотда қўлланилган Мўғулистон атамаси Чигатой улусининг икки қисмга бўлиниб кетиши натижасида Шарқий Туркистон ва Еттисувда шаклланган давлатни назарда тутди. Қаранг: Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой – Т.: Фан, 1996. – С. 609. (кейинги ўринларда – Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375 сонли “Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва давлат хизмати

жихатдан, Фарғона водийсининг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш кўйилган ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони, 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон “Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Тафтс университетининг Эрон тадқиқотлари Америка институти (AIIrS) (АҚШ), Кембриж университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби (SOAS) (Англия), Темурийларнинг санъати ва тарихи ассоциацияси (Франция), Татаристон Республикаси Фанлар академияси Ш.Марджани номидаги Тарих институти (Россия), Харран, Мармара, Сакария, Артуқлу университетлари (Туркия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва Шарқшунослик институтлари томонидан олиб борилмоқда.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид илмий изланишлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: Амир Темур ва темурийлар сулоласининг бошқарув тизимида ўтроқ ҳамда кўчманчи худудлардаги давлатчилик анъаналарининг синтезлашув жараёни юз берганлиги, марказлашган давлатнинг ташкил топиши натижасида Мовароуннахр, Эрон худудларида сезиларли иқтисодий ва маданий юксалиш кузатилганлиги асосланган (Tufts University, The American institute of Iranin Studies (AIIrS) АҚШ); Амир Темур ва темурийлар сулоласининг Жануби-Ғарбий Осиё давлатлари билан ўзаро сиёсий рақобати, темурийларнинг Эрон ҳамда Хуросондаги ижтимоий таянчи, унинг емирилиб бориши сабаблари,

учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/4417961>.

³Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.academia.edu>; <http://www.soas.ac.uk>; <http://www.cambridge-centralasia.org>; <https://www.culture-timouride.com/partenaires-en-france/association-la-timuride>; <http://www.search.rsl.ru>; <http://www.artuklu.edu.tr>; <http://www.ibu.edu.tr/tr>; <https://www.harran.edu.tr>; <https://www.marmara.edu.tr>; <http://www.sakarya.edu.tr> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

маданиятнинг турли соҳалари, айниқса амалий санъат, меъморчиликнинг юксак тараққиётини таъминлаган ички ва ташқи омиллар аниқланган (The School of Oriental and African Studies (SOAS) University of Cambridge, Англия); давлат бошқаруви, ҳарбий санъат тараққиёти, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларнинг кенгайишида Амир Темурнинг ўрни, темурийлар даврида юз берган фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги юксалиш жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги исботланган (Association pour L'Art et L'histoire Timurides, Франция); Амир Темур ва Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар, Амир Темурнинг Боязид Йилдирим билан дипломатик алоқалари, унга қарши Олтин Ўрда, Миср ва Усмонли Турк давлатлари ўртасида ҳарбий иттифокнинг вужудга келиши Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг натижаси эканлиги асосланган (Институт истории им. Ш.Марджани АН Республики Татарстан, Россия); Амир Темур даврида ҳарбий маъмурият тизимидаги ислохотлар, сулола вакилларининг илм-фан ва маданиятга қаратган эътибори, сулола тарихи ҳамда манбашунослигига оид масалалар очиб берилган (Xarran, Marmara, Sakarya, Artuklu universitetleri, Туркия).

Дунё миқёсида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига доир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилик тизимида трансформацион жараёнларни юзага келтирган омилларни аниқлаш; темурийлар сулоласининг Олтин Ўрда ҳамда Жануби-Ғарбий Осиё давлатлари билан ўзаро сиёсий рақобатининг иқтисодий илдизларини очиб бериш; темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Эронда юз берган иқтисодий юксалиш, фан ва маданиятнинг ривожланиши марказлашган давлатнинг ташкил топиши ҳамда минтақаларо алоқаларнинг кенгайиши билан боғлиқлигини асослаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти тарихига доир комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Лекин Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид бир қатор илмий асарлар ҳамда тадқиқотларда мавзунинг айрим масалалари ўз ифодасини топган. Диссертацияда ушбу асарлар ҳудудий, даврий ва ҳудудий тамойилларга кўра 3 гуруҳга ажратиб таҳлил этилди: 1) хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар; 2) Россия империяси ва совет даврида эълон қилинган илмий ишлар; 3) мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар.

Амалга оширилган тарихшунослик таҳлили Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини комплекс тарзда тадқиқ этиш ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий жиҳатдан зарур эканлигини кўрсатади (Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи бобида батафсил маълумот берилган).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

режасининг “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амир Темур ва темурийлар даврида мамлакатнинг чегара худуди сифатида Фарғона водийсининг стратегик аҳамиятини ва бу ерда юз берган тарихий жараёнларнинг салтанат марказида кечган воқелик билан ўзаро боғлиқлигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIV асрнинг 40-60 – йилларида Фарғона водийсидаги сиёсий вазият ва маъмурий-худудий ҳолатни кўрсатиб бериш;

Фарғона водийсида Амир Темур ҳокимиятининг мустақамланиб бориши босқичларини таҳлил этиш;

Амир Темур томонидан Фарғона улусининг таъсис этилиши, тугатилиши ва қайта ташкил этилиши сабабларини очиб бериш;

Амир Темур вафотидан кейин вужудга келган сиёсий вазият ва унинг Фарғона водийсига таъсирини тадқиқ этиш;

XV асрда темурийлар билан Мўғулистон давлати ўртасидаги муносабатларда Фарғона водийсининг тутган ўрни ва ролини кўрсатиб бериш;

Мирзо Султон Абу Саъид билан мўғул хонлари Эсан Буғахон ва Юнусхон, шунингдек, Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Умаршайх ўртасидаги муносабатлар тарихига оид саналарга аниқлик киритиш;

Марказий ҳокимият заифлашуви ва темурийлар сулоласи инқирозини Фарғона водийси мисолида таҳлил этиш;

Фарғона водийсининг иқтисодий, маданий ҳаётини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсининг Амир Темур ва темурийлар давридаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғонада юз берган сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлар ҳамда уларга таъсир этган асосий омиллар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий объективлик, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил, герменевтика каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нумизматик материалларни ёзма манбалар билан солиштириш орқали XIV асрнинг 40-йилларида водийнинг ғарбий қисмидаги Хўжанд ва Марғилон шаҳарлари Мовароуннаҳр давлати, Аҳси ва Андижон шаҳарлари жойлашган шарқий қисми Мўғулистон таркибига кирганлиги аниқланган;

Фарғона улуси Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш зарурияти натижасида ташкил этилган илк маъмурий-худудий бирлик эканлиги далилланган;

Фарғонанинг улус сифатида тугатилиб Мовароуннаҳр таркибига киритилиши Мўғулистонда Амир Темурга хайрихоҳ кучларнинг ҳокимият тепасига келиши туфайли уни сақлаб туришга эҳтиёж йўқолиши билан боғлиқлиги асосланган;

XV асрнинг бошларида мамлакатнинг марказий ҳудудларидан ажралиб қолган Фарғона водийсининг Мирзо Улуғбек (1409-1449) томонидан Мовароуннаҳр таркибига қўшиб юборилиши шарқий чегараларнинг мустақамланиши ҳамда ўзаро урушларга барҳам берилишига олиб келганлиги кўрсатиб берилган;

Сулаймоний, Муҳаммад Муаммоий, Вали Қаландар, Волахийларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур эмас, Абулқосим Бобур саройида хизмат қилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғонада Амир Темур ҳокимиятини ўрнатилиши босқичлари, водийда ташкил этилган дастлабки маъмурий бирликлар ва уларнинг раҳбарлари ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритилган;

Бир қатор тарихий воқеаларнинг (мўғул хони Эсан Буғахоннинг Мовароуннаҳрга, Мирзо Султон Абу Саъиднинг Мўғулистонга қилган ҳарбий юришлари, Юнусхоннинг Еттиқанд қасабасидаги фаолияти, Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Умаршайх ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар) номаълум саналари аниқланган;

Фарғонада юз берган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар тарихига аниқлик киритувчи хариталар, жадваллар кўринишидаги маълумотлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бевосита бирламчи тарихий манбаларга асосланганлиги, тарихшунослиқда самарали қўлланилган тадқиқот усуллари ва замонавий илмий-назарий ёндашувларга таянилганлиги, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини Фарғона водийси мисолида микротарих йўналишида ўрганиш, марказий ҳудудлардаги жараёнларнинг чекка вилоятларга таъсирини тадқиқ этиш, муҳим тарихий воқеаларни темурийлар сулоласи ва Мўғулистон давлати ўртасидаги муносабатлар кесимида таҳлил этиш ушбу давр тарихини чуқур англашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ундан Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда ҳамда “Ўзбекистон тарихи”, “Шарқ алломаларининг илмий мероси”, “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи” фанлари, “Амир Темур ва темурийлар даври тарихи”, “Фарғона водийсининг ўрта асрлар даври тарихи” каби махсус курслари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Амир Темур сиёсий фаолиятининг бошланиши арафасида водийнинг ғарбий қисмидаги Хўжанд ва Марғилон шаҳарлари Мовароуннаҳр давлати, Аҳси ва Андижон шаҳарлари жойлашган шарқий қисми Мўғулистон таркибига кирганлиги, Фарғонанинг улус сифатида тугатилиб Мовароуннаҳр таркибига киритилиши Мўғулистонда Амир Темурга хайрихоҳ кучларнинг ҳокимият тепасига келиши туфайли уни сақлаб туришга эҳтиёж йўқолиши билан боғлиқлиги, маълум бир мева турларига ихтисослашган боғдорчилик марказларининг шаклланганлиги каби илмий хулосалар асосида тайёрланган харита, жадвал ва бошқа нашрий манба кўринишидаги музей ҳужжатлар фондига тақдим этилган маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозицион режаларини тузишда, кўргазмалар ташкил этишда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 01-12-10-5266-сонли маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей фондини бойитишга, илмий-оммабоп маълумотномалар тузишга, уларни илмий жиҳатдан асослашга манба сифатида хизмат қилган;

Фарғона улуси Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш зарурияти натижасида ташкил этилган илк маъмурий-худудий бирлик эканлиги ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ЎзР ФА Темурийлар тарихи музейида бажарилган ФА-А-1-010 рақамли “Амир Темур энциклопедиясини тузиш ва нашрга тайёрлаш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 29 октябрдаги 3/1255–2850-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Фарғона водийси сиёсий тарихини янги маълумотлар билан бойитишга асос бўлган;

XV асрнинг бошларида мамлакат марказий ҳудудларидан ажралиб қолган Фарғона водийсининг Мирзо Улуғбек (1409-1449) томонидан Мовароуннаҳр таркибига қўшиб юборилиши, шарқий чегараларнинг мустақамланиши ҳамда ўзаро урушларга барҳам берилишига олиб келганлиги ҳақидаги хулосалардан Фарғона давлат университетида бажарилган А-1-009 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 сентябрдаги 89-03-3278-сон маълумотномаси). Натижада, баркамол авлодда ватанпарварлик, бунёдкорлик сифатларини ривожлантириш, уларни аждодларнинг илмий-маданий меросига садоқат руҳида тарбиялашда ҳар бир тарихий шахснинг маълум бир ҳудуд билан боғлиқ фаолиятини ўрганишнинг амалий аҳамияти борасида илмий хулосалар чиқарилишига хизмат қилган;

Янги улус таъсис этилишининг сиёсий ва иқтисодий натижалари, хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-муҳандислик иншоотларини қуришга эътибор қаратилганлиги ҳақидаги хулосалардан “Dunyo bo‘ylab” телеканалда 2019 йилда намойиш этилган “Экспедиция” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканали

давлат унитар корхонасининг 2019 йил 22 октябрдаги 08-14-433-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувнинг илмий далилларга бой ва халқчил бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий конференция ва семинарларда, жумладан, 4 та халқаро микёсдаги: “Фарғона водийсининг XVIII–XXI асрлардаги тарихини тадқиқ этишда ёзма, босма манбалар ва улардан фойдаланиш муаммолари” (Андижон, 2018), “Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни” (Ахсикент, 2018), “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” (Фарғона, 2019), “Modern European science - 2019” (Англия) ҳамда 11 та республика илмий-назарий конференция ва семинарларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи амалга оширилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, унинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда асосий тадқиқот усуллари кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Амир Темур ва темурийлар даври Фарғона водийси тарихига оид тадқиқотлар ва манбалар”** деб номланган биринчи бобида **“Амир Темур ва темурийлар даври Фарғона водийси тарихининг фанда ўрганилиши”** таҳлил этилган. Унда тадқиқот учун танлаб олинган мавзунинг айрим масалалари бўйича эришилган натижалар, унинг нисбатан кенг ва кам ўрганилган томонлари, назарий услубий ёндашувлар, баъзи муаммоли жиҳатлар ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилган.

Бугунги кун жаҳон тарихшунослигида темуршунослик кўплаб илмий асарлар, тадқиқотлардан иборат илмий йўналишга айланган. Уларни даврий ва ҳудудий тамойилларга кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар. Хорижий олимлар томонидан Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бир неча асрлардан бери кенг ўрганиб келинмоқда. Улар томонидан яратилган асарларда темурийлар салтанати тарихига оид бир қатор масалалар жаҳон тарихининг бир қисми сифатида тадқиқ этилиб, илмий хулосалар билдирилган. Хорижий муаллифлар, асосан, Амир Темур ва сулоланинг бошқа йирик вакиллари шахси, марказлашган давлатнинг барпо этилиши, ҳарбий юришлар, дипломатик муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиёт, темурий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар оқибатида сепаратизмнинг кучайиб бориши каби масалаларига катта эътибор қаратганлар. Француз⁴, инглиз⁵, турк⁶, рус⁷ ва бошқа тилларда эълон қилинган ушбу тадқиқотларда ўрганилаётган мавзуга доир баъзи бир фикр-мулоҳазалар учрайди. Хорижий тадқиқотларнинг катта қисмини бобуршунослик ва бобурийлар сулоласи тарихини тадқиқ этиш

⁴ D'herbelot. Par la compagnie des libraires. M. DC. XCVII. – Paris, 1697. – P. 877-889; Joseph de Guignes. Histoire generale des hunns, des turcs, des mongols, et des autres tartars occidentaux. Vol IV. Paris, 1758. – P. 9-10; Лянглэ Л. Жизнь Тимура. // Лянглэ Л. Соч. / пер. с фр. Н. Суворов. – Т., 1890; Grousset Rene. The Empire of the stappes. / Translated from the French by N. Walford - New Jersey: New Brunwick, 1970; Жан-поль Ру. Тамерлан. / Пер с фр. Е.А. Соколова. Послесл. В.Л. Егорова. – М.: Молодая гвардия, 2012; Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов –Т.:Маънавият, 1999.

⁵ Manz Beatrice Forbes. Administration and the delegation of Authority in Temurs Dominions. // Central Asiatik Journal. 1976. № XX. – P. 191-207; ўша муаллиф. The Ulus Chagatay before and after Temurs rise to power // Central Asiatik Journal. 1983. № XXVII. – P. 79-100; ўша муаллиф. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989 (кейинги ўринларда – Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane.); ўша муаллиф. Power, Politics and Religion in Timurid Iran – Cambridge University Press, 2007 (кейинги ўринларда – Manz Beatrice Forbes. Power, Politics and Religion in Timurid Iran.); Roemer H.R. Timur in Iran // The Cambridge history of Iran. Vol. 6. The Timurid and Safavid periods, ed. Peter Jackson and Laurence Lockhart. Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 42-97(кейинги ўринларда – Roemer H.R. Timur in Iran); Maria Subtelny. Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. Brill Academic Pub. 2007; Вамбери Г. История Бохары или Трансоксании съ древнѣйшихъ временъ до настоящаго. Перевод А.И. Павловского. Томъ первый. – С.-Петербургъ, 1873; Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. / Пер. С. англ. Г. Хидоятлова. – Т.:Адолат, 1995.

⁶ Yasar Yucel. Timur'in Ortagu-Anadolu seferleri ve sonuclari (1393-1402). Turk tarix kurumu basimevi – Ankara. 1989; İsmail Aka. Timur ve Devleti. Ankara. Turk tarix kurumu basi evi, 1991(кейинги ўринларда – İsmail Aka. Timur ve Devleti.); Cüneyt Kanat. Memlük-Timurlu münasebetleri (1382-1447), EGE Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Ana Bilim Dalı Alan, Doktora Tezi, 1996; Alan Hayrunnisa. Sultan Ebu Said Devri Timurlu Tarihi (1451-1469), Mimar Sinan Güzel Sanatlar Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Ana Bilim Dalı, Ortaçağ Tarihi Bilim Dalı, Doktora Tezi, 1996; ўша муаллиф. Bozkırdan Cennet Bahçesine Timurlular (1360-1506) İstanbul, Ötüken Yayınları, 2016; Halil Cetin. Timur'un Anadolu seferi ve Anrara savaşı. Hasetepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Lisansüstü Eğitim, Öğretim ve Sınav Yönetmeliği'nin Tarih Ana Bilim Dalı, Doktora Tezi, Ankara Ocak, 2005; Ahmet Simsirgil. Emir Timur. İstanbul. Tımas yayınlari. 2017; Mustafa Das. Bizans kaynaklarında Timur imajı. //Tarix İncelemeleri Dergisi Cilt / Volume XX, Sayı / Number 2 Aralık / December 2005. – S. 43-58; Savas Egilmez. Krallara mektublar (Timur tarixi ve Avrupa Krallarına mektubleri). Ankara. 2010; Ali I hsan Caglar. 15.YUZYIL Maveraunnehr'inde Naksiligin sosyo-ekonomik yapisi: Hace Ahrar ve donemi (1450-1490). Hasetepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Anabilim Dalı, Doktora Tezi, Ankara, 2015; Ali Rıza Yağlı. Timurlu Devleti Emirleri I- Barlas Boyu: Yedigir Barlas, Tükel Barlas ve Hinduke Barlas. // Türk Tarihi Araştırmaları Dergisi / Journal of Turkish History Researches, Prof. Dr. Bahaeddin Ogel Sayısı Yıl/Vol. 4, Sayı/No. 1 Bahar/Spring 2019. – S. 232-245.

⁷ Миргалеев И.М. Войны Токтамыш-хана с Аксак Тимуром. – Казань: Институт истории АН РТ, 2003; ўша муаллиф. Политическая история Золотой Орды периода правления Токтамыш-хана. – Казань: Алма-Лит, 2003; ўша муаллиф. Проблема антитимуровского союза Золотой Орды, Османской империи и мамлюков в арабской и турецкой историографии. // Общество, государство, личность: проблемы взаимодействия в условиях рыночной экономики: Материалы VII межвузовской научно-практической конференции (27–28 апреля 2006 г.). В 2-х частях. Ч.2 – Казань: Академия управления «ТИСБИ», 2006. –С. 50–53; ўша муаллиф. Материалы по истории войн Золотой Орды с империей Тимура. – Казань: Институт истории АН РТ, 2007; Рахманалиев Р. Военная держава Амира Темура – М.: “ПРОГРЕСС-ИД”, 2005.

йўналишидаги изланишлар ташкил этгани ҳолда, асосий эътибор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Афғонистон ва Ҳиндистондаги фаолиятига қаратилган⁸.

2. Россия империяси ва Совет даврида эълон қилинган илмий ишлар. Мазкур гуруҳга мансуб илмий асарлар, тадқиқотлар даврий ва жўғрофий жиҳатдан кенг кўламлидир. Баъзи рус тарихчилари Россия тарихига бағишланган асарларида темурийлар даври тарихига ҳам қисқача тўхталиб ўтганлар⁹. Шарқшуносликнинг тараққий этиб бориши жараёнида темурийлар сулоласи тарихининг турли масалаларига оид алоҳида тадқиқотлар пайдо бўлди¹⁰. Ушбу даврда шаклланган йирик шарқшунос олим В.В.Бартольд асарларида Фарғонанинг Амир Темур ва темурийлар даври тарихига доир бир қатор масалалар тадқиқ этилган¹¹. Совет даврида яратилган мавзуга оид тадқиқотлар ўзининг кўлами ва манбавий асосланиши бўйича бирмунча ўсишга эришган бўлса-да, уларда тарихий шахсларга, жараёнга баҳо беришдаги мафкуравий қолипларининг салбий таъсири яққол сезилди. Мазкур даврнинг тарихчи олимлари А.Ю.Якубовский, И.М.Мўминов, С.А.Азимжонов, О.Д.Чехович, М.Абдураимов, Н.Маҳмудов, А.Жувонмардиев, Б.Г.Ғофуровлар қаламига мансуб алоҳида-алоҳида масалаларга бағишланган йирик тадқиқот ва илмий асарларда мавзуга оид бир қатор фикрлар билдирилган, илмий хулосалар берилган¹².

⁸ Harold Lamb. Babur the Tiger: First of the Great Moguls. – Нью-Йорк: Doubleday, 1989; Aman ur Rahman. Zahir-uddin Muhammad Babur. A numismatic study. Karachi. Syed Graphics, 2005; Mano E. On the Persian Original Validity of Khvaja Ahrar. // History and Historiography of Post-Mongol Central Asia and the Middle East Studies in Honor of John E. Woods. – Wiesbaden., 2006. –P. 250-266; ўша муаллиф. XV-XVI аср Марказий Осиё ҳукмдорларининг раият билан учрашиш маросимлари. // “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: O'QITUVCHI, 2013. – Б. 7-11; Хорижда бобуршунослик (Тадқиқот, талкин ва мақолалар). / Нашрга тайёрловчи, сузбоши ва изоҳлар муаллифи Х.Болтабоев. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008; Bilol Ko'ç. Türk Devleti'nde Akıl: Kutadgu Bilig ve Babürnâme. Tarih araştırmaları Dergisi. Ankara Üniversitesi dil ve tarih-coğrafya fakültesi tarih bölümü . 2012. – S. 55-77; ўша муаллиф. Türk Ordusunda muharip unsure olarak filin kullanilimi. Alt kita örneği. Genç akademisyenler sempozyumu. Gazi Üniversitesi. Bildiriler. 6-7 Kasım. 2013. – S. 42-58; Oktay Kaan, Bilol Ko'ç. Hindistan'da Türklük Müsülman Türk imparatorları Zahirü'd-Din Muhammed Babür Şah Gazi. Çankırı Karatekin Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi 4(1). 2013. – S. 271-282 Bilol Ko'ç. Babürname ve Hümayunname'ye göre Babür'lüler'deki protokol merasimleri üzerine bir değerlendirme. Tarihin ve tarihçinin izinden. Türk kültürü araştırmaları armağan dizisi 13. Ankara. 2014. – S. 225-252.

⁹ Грановский Т.Н. Тимур. // Полное собрание сочинений, Том 1. – СПб., 1905. – С. 341-352; Соловьев С.М. История России с древнейших времен. Том 4. – М., 1960. – С. 360-362; Татищев В.Н. История Российская. Т. V. – М.Л., 1965. – С. 182-197; Карамзин Н.М. История государства Российского. Т. V. – Тула, 1990. – С. 253-295.

¹⁰ Богданов М.Г. Последние дни жизни Тамерлана. Его поход на Китай (с персидского). // Туркестанские ведомости. 1872. № 18; Лидский С. Великие завоеватели Средней Азии: Александр Двурогий и Тимур Хромой. // Туркестанские ведомости. – 1889. - №5,6; Павлов Н.Г. Тимур. // Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с историческим очерком сопредельных стран (Персии, Афганистана Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). – Т., 1910. – С.12-16; Зимин Л.А. Четвертый поход Тимура на Хорезм. // Туркестанские ведомости. 1910. №.266; ўша муаллиф: Подробности смерти Тимура. // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, Год XIX, Вып I. Т. 1914. – С.37-52, 53-55; Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: Фан, 1994.

¹¹ Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. // Сочинения, Т.2, Ч.1. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 21-106 (кейинги ўринларда – Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья.); ўша муаллиф. Улугбек и его время. // Сочинения, Т.2, Ч.2. – М.: Наука, 1964. – С. 25-197 (кейинги ўринларда – Бартольд В.В. Улугбек и его время.); ўша муаллиф. К истории орошения Туркестана. // Сочинения, Т.3. – М.: Наука, 1965. – С. 97-237.

¹² Якубовский А.Ю. Тимур: Опыт краткой политической характеристики. // Вопросы истории. – М., 1946. №8-9. – С. 42-74; ўша муаллиф. История падения Золотой Орды. // Вопросы истории. – М.: 1947, №2. – С. 30-

3. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар. Мустақиллик йилларида нашр этилган тадқиқотлар орасида шарқшунос ва тарихчи олимлар жамоаси томонидан яратилган фундаментал асарлар¹³ алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, Б.Аҳмедов, А.Мухаммаджонов, А.Асқаров, У.Уватов, А.Аҳмедов, С.Жалилов, Т.Файзиев, Д.Юсупова, Азамат Зиё, О.Бўриев, Ш.Ўлжаева, Х.Файзиев ва бошқалар ўз илмий асарлари ҳамда тадқиқотларида мавзуга оид баъзи масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар¹⁴. Шунингдек,

45; ўша муаллиф. Падение Золотой Орды. В кн.: Греков Б. Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение – М.-Л., 1950. – С. 216-428; ўша муаллиф. Темур давлати. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросон. // Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб –Т., 1956. – Б. 345-418 (кейинги ўринларда – Якубовский А.Ю. Ўзбекистон ССР тарихи.); ўша муаллиф. Государства Тимура. Мавераннахр и Хорасан при Тимуридах. В кн.: История Узбекистан ССР. – Т., 1967. – С. 435-508; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар асосида (иккинчи нашри) – Т.:Фан, 1993; Азимджанова С.А. Черты социально-экономической жизни Ферганы на рубеже XV – XVI вв. // Труды Института востоковедения АН УзССР. Вып. III. – Т., 1954. – С. 25-42; ўша муаллиф. К истории Ферганы второй половины XV века – Т.: Фан, 1957 (кейинги ўринларда – Азимджанова С.А. К истории Ферганы второй половины XV века); Чехович О.Д. Тимуриды в освещении игиографических источников, неизвестных В.В. Бартольд и роль шайхов. // Бартольдские чтения. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1974. – С. 58-61; Гафуров Б.Г. Таджикиский народ в государстве Тимура и Тимуридов. // Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история – М., 1972. – С. 476-517; Махмудов Н. Из истории земельных отношений и налоговой политики Тимуридов. // Известия АН Таджикской ССР. Сер. Общ. Наук. I (32), Душанбе, 1960, № 4; ўша муаллиф. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в XIV – XV вв. – Душанбе, 1966; ўша муаллиф. Феодалная рента и налоги при Тимуре и Тимуридах. // Труды Таджикского государственного университета. Сер. Ист. Наук, Вып. 2. Душанбе, 1967. – С. 231-270; Абдураимов М. Темур ва Тўхтаиш. / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи – О. Абдуллаев – Т.: Гафур Фулом, 2000.

¹³ Темур ва Улуғбек даври тарихи. / Бош муҳаррир академик А. Асқаров. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996 (кейинги ўринларда – Темур ва Улуғбек даври тарихи.); Амир Темур жаҳон тарихида. / Масъул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. / Отв. Редакторы: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Т.: Фан, 2017 (кейинги ўринларда – История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов.).

¹⁴ Аҳмедов Б. Улуғбек. – Т.: Ёш гвардия, 1989; ўша муаллиф. Ўзбек улуси. – Т.: А.Қодирий, 1992; ўша муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1993 (кейинги ўринларда – Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар); ўша муаллиф. Амир Темурни ёд этиб. – Т.: Ўзбекистон, 1996 (кейинги ўринларда – Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб); ўша муаллиф. Соҳибқирон Темур. – Т.: А. Қодирий, 1996; Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти). – Т.: Фан, 1991; ўша муаллиф. Улуғбек Мухаммад Тарағай. – Т.: А. Қодирий, 1994; Тўхтаев И. Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари. – Т.: Фан, 1992 (кейинги ўринларда – Тўхтаев И. Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари.); Жалилов С. Бобур ва Андижон. – Т.: Ўзбекистон, 1993; ўша муаллиф. Бобурнинг Фарғона давлати. – Т.: Фан, 1995 (кейинги ўринларда – Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати.); ўша муаллиф. Бобур ва Юлий Цезарь. – Т.: Янги аср авлоди, 2001; ўша муаллиф. Бобур ҳақида ўйлар. – Т.: Шарқ, 2006; ўша муаллиф. XV – XVI аср бошларида Андижонда маданий ва маънавий муҳит. – Т., 2009; Мухаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1994 (кейинги ўринларда – Мухаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати.); Мухаммаджонов А., Ражабов Қ. Амир Темур. – Т.: «O'ZBEKISTON», 2013; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хазинов, 1995; Абдулахатов Н. Амир Темур ва унинг авлодлари даврида Фарғона. // Фарғона ўлкашунослиги. Фарғона ўлкашунослик музейининг 100 йиллигига бағишланган илмий ишлар тўплами – Фарғона: “ФЕРГАНА”, 1996. – Б. 31-59; Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Т.: “Шарқ”, 1997; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (Тарихий-географик лавҳалар) – Т.: Ўзбекистон, 1997; ўша муаллиф. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Т.: “MUMTOZ SO'Z”, 2017. (кейинги ўринларда – Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси.); ўша муаллиф. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи. – Т.: Akademnashr, 2018 (кейинги ўринларда – Бўриев О. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи.); ўша муаллиф. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси: Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Т.: ЎЗР ФА ШИ, 2019; Шпенев Л.Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху Темуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИА АН РУз, 1997; Ўлжаева Ш.М. XX асрнинг 50 – 60- йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Т.: ЎЗР ФА ТИ, 1999; ўша муаллиф. Амир Темур давлат бошқаруви – Т.: Академия, 2017; ўша муаллиф. Амир Темур дипломатияси – Т.: IJOD PRESS, 2018; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг

Фарғона водийсининг XV аср охири ва XVI аср бошларига оид тарихи ҳақидаги кўплаб маълумотларни ўзида мужассам қилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” ҳамда Мирзо Бобур ва бобурийлар тарихига оид илмий, энциклопедик, илмий-оммабоп материаллар тўплами нашр этилди¹⁵. Мазкур тадқиқотлар диссертациямиз учун илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид тадқиқотлар таҳлили Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаёти масаласи ҳозирга қадар тарихшунослигимизда яхлит тарзда комплекс равишда ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида **“Амир Темур ва темурийлар даври Фарғона водийси тарихига оид манбалар таҳлили”** масаласи кўриб чиқилган.

Тарихий тадқиқотлар олиб боришда манбаларнинг ўрни бекиёсдир. Тадқиқотнинг илмий асосланиши, соҳа тадқиқотлари орасида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиши, унда илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларнинг

қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Т.: Шарқ, 2000 (кейинги ўринларда – Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.); Абиджанова Д.С. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60 – 90-х годов XX в.: Автореф. дисс... канд. Ист. Наук. – Т.: ИИ АН РУз, 2000; Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников). дисс... док. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 2005; Юсупова Д.Ю. Творческое наследие Хондамира как источник по истории культуры Центральной Азии XVI в.: Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 2001; ўша муаллиф: Жизнь и труды Хондамира – Т.: Фан, 2006; Шамукарарова Ф. Жизнь и творчество Мирзо Улугбека в историографии XX века.: Автореф.дисс. ... канд.ист. наук. Тошкент, 2006; Қутибоев З. Хожа Аҳрор валий маънавияти – Т.:Фан, 2007; Раҳматуллова А.Р. Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991 – 2009). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2010; Муртазаева Р.Х., Эшов Б.Ж. Мирзо Улугбек даврида ўзбек давлатчилиги. // Мирзо Улугбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси. Халқаро илмий конференция маърузалари. Самарқанд. 9-11.06. 2009. – Б. 67-71; Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан – Т.: Шарқ, 2011 (кейинги ўринларда – Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан.); ўша муаллифлар. IX – XV асрларда Андижоннинг маънавий-маърифий обидалари. // Имом Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 2015. № 2. – Б.20-24; Файзиев Х.Т. Темурийлар салтанатида Шохрух мирзонинг ўрни ва унинг ташқи сиёсати: тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ТДШИ, 2011; ўша муаллиф. Шохрух мирзо ва унинг ташқи сиёсати. – Т.: Наврўз, 2016; Абдуллаев У.А. Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги сиёсати: тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ТДШИ, 2012; Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташқи топиши ва давлат тузуми: юридик фан. номз...дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2012; Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов. – Самарқанд: МИЦАИ, 2013 (кейинги ўринларда – Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов.); Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. – Т.: O'ZBEKISTON, 2015; Отаҳўжаев А. Амир Темур давлатида Фарғонанинг аҳамияти. // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги IV – илмий-назарий конференция материаллари. Фарғона. 2017. – Б. 123-125; Агзамова Г.А. Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахрни хориж билан боғлаган қарвон йўллари. // Амир Темур даврида Мовароуннахр: археология, тарих, маданият / Э.В. Ртвеладзе, А.М. Атаходжаев, М.И. Филанович таҳрири остида. – Т.: Адабиёт уққунлари. 2018. – Б. 99-108 (кейинги ўринларда – Амир Темур даврида Мовароуннахр); Кобзева О.П. «Шелковый путь» в эпоху Амира Темура. // Амир Темур даврида Мовароуннахр. – Б. 108-117; Сулаймонов Р.Х. По поводу двух кладов медный монет государства Тимура XV в. // Амир Темур даврида Мовароуннахр. – Б. 125-145; Халмуминов У.Р. Амир Темур ва Темурийлар даври тоғ-қончилиги ва металл ҳунармандчилиги. // Амир Темур даврида Мовароуннахр. – Б. 146-153; Юсупова М. А. Мемориально-культурное зодчество Центральной Азии эпохи Амира Темура: эволюция, типология, особенности. // Амир Темур даврида Мовароуннахр. – Б. 214-231; Ильясова С.Р. К изучению кашинной керамики Ташкента и Ферганы XV в. // Амир Темур даврида Мовароуннахр. – Б. 301-308.

¹⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. / Таҳрир ҳайъати А. Қажумов ва бошқ. Бош муҳаррир А. Аъзамов. – Т.: “Sharq”, 2014 (иккинчи нашри 2017 й.); Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Собрание энциклопедических, научных и научно-популярных материалов I (А – В – В). / Автор-составитель Ш.Ш. Рустамхужаев. – М.: Языки народов мира, 2019.

ишончилиги тарихий манбалардан қай даражада самарали фойдаланилганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу жихатдан ҳам тарихий манбалар олиб борилаётган тадқиқотларнинг асоси, пойдевори ҳисобланади¹⁶.

Мустақиллик йилларида темурийлар даври тарихига оид кўплаб манбаларнинг илмий муомалага киритилиши ва нашр қилиниши мазкур давр тарихига бағишланган тадқиқотларнинг сифат ҳамда миқдор жихатидан ўсишида муҳим омил бўлди.

Тадқиқотимиз учун асос бўлиб хизмат қилган ва биз турли даражада фойдаланган тарихий манбалар яратилиш хусусиятларига кўра 5 та гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди:

1. Тарихий асарлар. Тадқиқотда фойдаланилган манбаларнинг асосий қисмини тарихий асарлар ташкил этади. Сиёсий жараёнларга оид масалаларни тадқиқ этишда Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Фасих Хавофий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа муаллифларнинг асарлари катта аҳамиятга эга¹⁷.

2. Мемуар асарлар. Тадқиқ этилаётган давр тарихини ўрганишда мемуар манбалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарларда сўз юритилган воқелик муаллиф иштирокида кечади ёки воқеага бирор даражада боғлиқ

¹⁶ Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи. 2001. – Б. 11; Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Т.: Фан, 2007. – Б. 8.

¹⁷ Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. / Пер. с перс., предис. и примеч. А.А.Семенова. – М.: Издательство восточной литературы, 1958; Низомиддин Шомий. Зафарнома. / Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изохи – О.Бўриевники), Ҳофизу Аbruни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 1996 (кейинги ўринларда – Шомий. Зафарнома.); Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи – Ғулом Каримий. – Т.: Ўзбекистон, 2011 (кейинги ўринларда – Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний.); Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370). / Маъсул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев, таржимон О. Бўриев – Т.: Камалак, 1994 (кейинги ўринларда – Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370).); Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков. – Т.: Шарқ, 1997 (кейинги ўринларда – Яздий. Зафарнома.); (кейинги ўринларда – حافظ ابرو. زوية التواريخ. مقدمة، تصحيح و تعليقات: كمال حاج سيد جوادى. در چهار جلد. تهران، حافظ ابرو 1960-1959; Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980 (кейинги ўринларда – Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи.); Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. 1-2 китоб. – Т.: Мехнат, 1992 (кейинги ўринларда – Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... .); Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изохи луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. – Т.: Фан, 1969; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлар доктори А.Ўринбоев. – Т.: Ўзбекистон, 2008 (кейинги ўринларда – Самарқандий. Матлаи саъдайн... . 2-Ж. 1-Қ; Самарқандий. Матлаи саъдайн... 2. Ж. 2-3 Қ.); Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи садъайн ва мажмаи баҳрайн. Қўлзма. عبدالرزاق سمرقندوى مطلع السعدين و مجمع البحرين... . Қўлзма.); Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари – Ж. Ҳазраткулов, И. Бекжонов, Изоҳлар муаллифлари – А. Аҳмедов, И. Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013 (кейинги ўринларда – Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... .); Хондамир Ғиёсиддин. Мақорим ул-ахлоқ. / Форс тилидан К. Раҳимов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Шодиев. – Т.: Ғафур Ғулом, 1989 (кейинги ўринларда – Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома.); Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланнома. / Форс тилидан Содик Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: академик Б. Аҳмедов – Т.: Шарқ, 1999 (кейинги ўринларда – Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланнома.).

вазиятда уни ёритади. Бу эса манбадаги маълумотларнинг ишончлилики даражасини ошириш билан биргаликда воқеликка нисбатан субъектив муносабатни намоеън этиши мумкин. Шунинг учун ҳам мемуар асарларнинг хулосаларига маълум даражада танқидий ёндашув талаб этилади. Ушбу асарлар даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи ёритилганлиги билан ҳам аҳамиятли. Тадқиқотда Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Ҳайдар мирзоларнинг қаламига мансуб мемуар манбалардан кенг фойдаланилди¹⁸.

3. Тазкиралар. Тазкираларнинг мазкур давр маданий ҳаётини ёритишдаги ўрни бекиёсдир. Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Ҳасанхожа Нисорийлар томонидан яратилган тазкираларда кўпгина илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларининг ҳаёти ҳамда фаолиятига оид маълумотлар ўз аксини топган¹⁹.

4. Маноқиблар. Амир Темур ва темурийлар даврининг йирик диний арбоблари ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”, “Силсилат ул-орифийн ва тазкират ул-сиддикийн”, “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор” ва “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб” каби маноқиблар ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётга оид муҳим маълумотларни тақдим эта олиши билан ажралиб туради²⁰.

5. Ҳуқуқий ҳужжатлар. Тадқиқот мавзусига доир иккита ҳуқуқий ҳужжат сақланиб қолган. Биринчиси, 1469 йили Умаршайх мирзо томонидан Марғилон уламоларидан бири Мир Саййид Аҳмадга, иккинчиси, 1486 йилнинг 9 январида Султон Аҳмад мирзо томонидан Саййид Гўё Муҳаммадхўжага берилган суюрғол ёрликларидир²¹. Шунингдек, Фарғона водийсининг шайбонийлар даврига оид маълумотлар сақланган “Ёрликлар

¹⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Нашрга тайёрловчи П. Шамшиев – Т.: Юлдузча, 1989 (кейинги ўринларда – Бобур. Бобурнома.); Восифий, Зайниддин Махмуд. Бадоеъул вақоъ – Нодир воқеалар. / Форсийдан Н. Норқулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди.

¹⁹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан). / Форс-тожик тилидан Б. Аҳмедов тарж., шеърларни С. Раҳмон тарж. қилган. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 (кейинги ўринларда – Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан).); Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Танланган асарлар. 15 томлик. Т. 12. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966 (кейинги ўринларда – Навоий. Мажолисун нафоис.); Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). / Таржимон ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И. Бекжон. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 (кейинги ўринларда – Нисорий. Музаққири аҳбоб.).

²⁰ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. / Нашрга тайёрловчи, тадбир ва сўнгсўз муаллифи М. Ҳасаний, луғат, сўнгсўз муаллифи ва нашрга тайёрловчи Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003; Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад, Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004; Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифийн ва тазкират ул-сиддикийн. // Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 143-156; Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. // Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. – Б. 156-195; Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб. / Форс тилидан Абдуллоҳхўжа Маъруфхўжа ўғли, Ш. Сироҷиддинов таржимаси. – Т., 2002 (кейинги ўринларда – Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб.).

²¹ Бартольд В.В. Об одном уйгурском документе. // Бартольд В.В. Сочинения. Работы по источниковедению. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С. 117-118; Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир – Т.: Фан, 1965. – Б. 77 (кейинги ўринларда – Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир.); Содиков Қ. Темурий хонларнинг уйғур ёзувида битилган ёрликлари: Матн тузилиши ва услуби. // Туркшунослик изланишлари. Иккинчи тўплам. – Т., 2009. – Б. 10-16.

тўплами”даги кўпгина ҳужжатлар темурийлар даври иқтисодий ҳаётини ёритишда ҳам ёрдам беради²².

Тадқиқотимиз мавзусига оид манбаларда асосан марказий вилоятлардаги тарихий воқеалар кенг ёритилган. Темурийлар салтанатининг шарқий чеккасида жойлашган Фарғона водийси тарихига оид маълумотлар жуда кам. Мавжуд маълумотлар ҳам мамлакатнинг шарқий қисмида юз берган айрим йирик воқеликларга бағишлангани ҳолда бири-бири билан боғланмаган ҳамда уларда мантиқий изчиллик етишмайди.

Тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, водийга нисбатан “Фарғона” топонимини қўллаш Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда кам учрайди. Дастлаб асосан Ўзжанд, Ўзганд, Ўзжанд вилояти, Ўзганд вилояти, Жанд вилояти, Андигон, Андугон ва Андижон вилояти топонимлари қўлланилган²³. Фақатгина Муиниддин Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий ва Хондамир айрим ҳолларда Фарғона топонимидан фойдаланган. Водийга нисбатан “Фарғона” атамасини кенг миқёсда қўллаш XVI аср бошларидан Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” ва Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида кузатилади.

Амир Темур ва темурийлар даври тарихий манбаларида Фарғона водийси ҳақидаги маълумотларнинг камлиги ва тарқоқлиги, мавжуд маълумотларга нисбатан танқидий ёндашувни ҳамда улардан самарали фойдаланишни талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Амир Темур даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тадқиқи**” деб номланади. “**1360-1370 - йилларда Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий жараёнларнинг Фарғона водийси тарихидаги ўрни**” деб аталган биринчи параграфда Фарғонадаги сиёсий вазият ва маъмурий ҳолат тадқиқ этилган.

XIV асрнинг 40- йилларида Фарғонанинг ғарбий қисми Хўжанд ва Марғилон шаҳарлари билан биргаликда Мовароуннаҳр давлати таркибида бўлса, Ахси ва Андижон каби йирик шаҳарлар жойлашган шарқий қисми эса Мўғулистонга бўйсунган эди²⁴. Бу вақтда Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик ҳукм сурганлиги кўпгина тарихий манбаларда ва илмий адабиётларда акс этган²⁵. Улардаги маълумотлар XIV аср ўрталари Фарғона водийсининг маъмурий тузилишида Хўжанд вилояти алоҳида ажралиб турганлигини

²² Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Б. 73-169.

²³ О. Бўриевнинг таъкидлашига кўра, Яздий “Зафарнома”нинг “Муқаддима” қисмида фақат бир марта Фарғона топоними учрайди. Қаранг: Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 268.

²⁴ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – С. 26; Аҳмедов Б. Чингизхон ва унинг ворислари даврида Марказий Осиё. // Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Б. 178; Тўхтаев И. Марғилонда зарб қилинган тангалар. // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент – Марғилон.: Фан, 2007. – Б. 170-173.

²⁵ Шомий. Зафарнома. – Б.28; Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. – Б. 51-52; Ўзидий. Зафарнома. – Б.19; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... . – Б. 39; Якубовский А.Ю. Ўзбекистон ССР тарихи. – Б. 343; Якубовский А.Ю. Тимур. // Тамерлан – М.: Гураш, 1992. – С.27; Аҳмедов. Б. Амир Темурнинг давлатни идора этиш сиёсати. /Амир Темурни ёд этиб. – Б. 5; Мухаммаджонов. А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Б. 7; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 153; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. – С. 46-47; Атаходжаев А.М. Чигатой улусидаги сиёсий вазият ва Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши. // Амир Темур даврида Мовароуннаҳр. – Б. 14-15.

кўрсатади. Ушбу вилоят жалойир қабиласи тасарруфида бўлиб, қабила етакчиси амир Боязид Мовароуннахр сиёсий ҳаётида сезиларли таъсирга эга бўлган²⁶.

Маълумки, 1360 йили Мовароуннахрга Мўғулистон хони Тўғлуқ Темурхон бостириб кирди. Натижада Мовароуннахрнинг кўпгина вилоятлари каби Фарғона водийси ҳам мўғул хони ҳукмронлиги остига ўтди²⁷. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмади. Ўзаро низолар оқибатида мўғул амирлари ортга қайтгач, Мовароуннахр, унинг таркибида Фарғона водийси ҳам яна ўз мустақиллигини тиклаб олди. Ушбу воқеалардан унумли фойдаланган амир Боязид жалойир Мовароуннахрда ўз мавқеини оширишга интилди.

1361 йилнинг март ойида Тўғлуқ Темурхон яна Мовароуннахрга бостириб кирди. Бу сафар ҳам хон хизматига кирган Боязид жалойир кўп ўтмай, қатл қилинди. Мовароуннахр таркибида Фарғона водийсида ҳам мўғул хонлари ҳукмронлиги ўрнатилди.

Амир Боязид жалойир ўлдирилгач, Хўжандни ким бошқарганлиги ҳақида манбаларда аниқ фикр мавжуд эмас. Лекин баъзи маълумотларни²⁸ ҳамда Али Дарвеш Боязид жалойирнинг ўғли эканлигини инобатга олсак, вилоят 1361 йилдан то 1366 йилгача Али Дарвеш бошқарувида бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин. Али Дарвеш 1366 йилда Амир Темур ва Ҳусайн ўртасида низо чиқаришга интилган амирлардан бири эди²⁹. Шунинг учун ҳам Амир Темур Али Дарвешга қарши жалойир қабиласининг бошқа бир вакили Баҳромни қўллаб-қувватлаб, унинг Хўжанд вилоятини эгаллаб олишига ёрдам берди³⁰. Лекин Баҳром жалойир амирлар ўртасидаги курашнинг аввалида Амир Темур томонида турган бўлса-да, кўп ўтмай, бетарафликни маъқул кўрди. У ушбу низодан фойдаланиб мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. 1367–1368 йилларда Мўғулистондан 7 минг кишилик лашкар олиб келиб, Тошкент ва Сайрам худудларини ҳам қўлга киритди. Баҳром жалойирнинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ошиб бориши натижасида Амир Темур ҳам у билан ҳисоблашишга мажбур бўлди³¹.

1368 йилнинг кеч кузида мўғул амирлари Тошкент вилояти ва Фарғона водийсининг шарқий қисмини босиб олди. Қиш яқинлашганлиги сабабли келгуси йил баҳорида Мовароуннахрнинг ички вилоятларига юриш қилишни режалаштирган мўғуллар юришни давом эттирмай, ўзаро низолар сабабли

²⁶ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 87.

²⁷ Шомий. Зафарнома. – Б. 29; Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 52; Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 62-63; Абдураззоқ Самарқандий. *مقطع السعدين*... . Қўлёзма. – Б.104; Мирхонд. *روضة الصفا في سيرة الانبياء و الملوك و الخلفاء*. Қўлёзма. АҚШнинг Мичиган университети кутубхонасидан олинган электрон нусха. – Б.14 (кейинги ўринларда – Мирхонд. *روضة الصفا*. Қўлёзма.); Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... . – Б. 39.

²⁸ Шомий. Зафарнома. – Б. 52, 54; Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 122; Самарқандий. *مقطع السعدين*... . Қўлёзма. – Б. 121.

²⁹ Мирхонд. *روضة الصفا*. Қўлёзма. – Б. 48.

³⁰ Самарқандий. *مقطع السعدين*... . Қўлёзма. – Б. 121-122.

³¹ Шомий. Зафарнома. – Б. 67-68; Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 82-83; Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 165; Самарқандий. *مقطع السعدين*... . Қўлёзма. – Б. 125; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... . – Б. 64.

1369 йилнинг бошларида Мўғулистонга қайтиб кетди³². Аммо уларнинг бир қисми 1369 йили Тошкент ва Фарғона вилоятларида қолганлигини Амир Темурнинг 1371 йилги Мўғулистон юриши воқеалари ҳам исботлайди³³. 1368–1369 йилларга келиб мамлакатнинг шимоли-шарқий чегараларини мўғуллар томонидан забт этилиши Баҳром жалойирни Амир Темур билан яқинлашишга мажбур қилди. 1370 йили Хусайнга қарши юришда у Амир Темур қўшинлари сафида ҳаракат қилди. Баҳром жалойирнинг Балх забт этилганидан сўнг Тармаширинхоннинг кизи Севинч Қутлуғ оғага уйланиши³⁴ унинг сиёсий мавқеи юқори бўлганлигидан далолат беради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи **“Фарғона водийсини Амир Темур хукмронлигининг дастлабки йилларидаги сиёсий-маъмурий ҳолати”** деб номланган бўлиб, унда Фарғонанинг Амир Темур бошқарувидаги давлат таркибига тўлиқ киритилиши масаласи ёритиб берилган.

Амир Темур хукмронлигининг дастлабки йилларида Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий қисмида унинг таъсири кучли эмас эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур давлат хукмдори сифатидаги фаолиятининг илк давридаёқ мазкур ҳудудларга эътибор қаратиб, 1371 йилда Мўғулистонга биринчи ҳарбий юришини бошлайди. Гарчи бу юриш Мўғулистон юриши, деб номланса ҳам аслида Тошкент вилояти ва Фарғона водийси ҳудудларидан мўғул амирларини ҳайдаб чиқариш орқали бу ерда Амир Темур хукмронлигини тўлиқ ўрнатиш мақсад қилинган эди³⁵. Ҳофизи Абру ва Абдураззоқ Самарқандий Амир Темур Фарғонанинг Ўзганд ноҳияси орқали Мўғулистонга юриш қилганлигини таъкидлаган³⁶.

1371 йилги юришлар натижасида Фарғона водийсида тўғридан-тўғри олий хукмдорга бўйсунадиган икки маъмурий бирлик ташкил топди. Бири аввалдан мавжуд бўлган Хўжанд вилояти бўлиб, ҳокими амир Баҳром жалойир эди. Унинг вафотидан сўнг вилоят мархумнинг ўғли Одилшоҳ жалойирга берилди³⁷. Иккинчи маъмурий бирлик, эса айнан 1371 йили ташкил этилиб, унга Фарғона водийсининг марказий ва шарқий қисмлари бўйсундирилган. Ушбу маъмурий бирлик маркази Андижон шаҳри бўлганлиги учун ҳам Андижон вилояти деб аталган ва бошқариш амир Ҳамадийга топширилган³⁸.

Амир Темур Оқ Ўрда ва Мўғулистонни кучсизлантирмасдан, Туркистон, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида ўз ҳокимиятини тўла ўрната олмас

³² Шомий. Зафарнома. – Б. 74-75; Натанзий. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний. – Б. 87-88; Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 59-60.

³³ Шомий. Зафарнома. – Б. 89-90; Натанзий. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний. – Б. 116-117; Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 71.

³⁴ Яздий. Зафарнома (Мовароуннахр воқеалари (1360-1370)). – Б. 67.

³⁵ Шомий. Зафарнома. – Б. 89-90; Натанзий. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний. – Б. 116-117; Яздий. Зафарнома. – Б. 71; Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – С. 95; Б.Ф. Манц ва О. Бўриев Амир Темурнинг Мўғулистонга қилинган юришларининг мақсади, аввало, Фарғона водийси ва Тошкент вилояти хавфсизлигини таъминлаш бўлганлигини таъкидлаган. Қаранг: Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – P. 62; Бўриев О. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи. – Б. 11.

³⁶ حافظ ابو. جلد اول. – ص 461. Самарқандий. مقطوع السعدين. Қўлэзма. – Б. 138.

³⁷ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 87.

³⁸ Яздий. Зафарнома. – Б. 79; Бўриев О. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи. – Б. 10.

эди³⁹. Шунинг учун ҳам у Мўғулистонга қарши 1375 йилда катта юриш бошлади. Юришдан Фарғона водийси орқали қайтган Амир Темур шарқдан кириб келиб, Ўзганд, Марғилон, Хўжанд шаҳарлари орқали Самарқанд томон йўл олган⁴⁰. Ушбу ғолибона юриш Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий қисмида ҳукмронлик қилган ва ягона марказлашган давлат барпо этилишини истамаган амирларнинг ҳарбий-сиёсий мавқеини кескин пасайтирди. Натижада Хўжанд ҳокими Одилшоҳ бошлиқ бир гуруҳ амирлар Амир Темурга суиқасд қилишга қарор қилдилар⁴¹. Ўз вақтида кўрилган чоратadbирлари натижасида фитнанинг олди олинди.

Амир Темур 1376 йилда Хоразмга юриш бошлар экан, Одилшоҳ ва Сари Буға бошчилигидаги 30 минг кишилиқ кўшинни Мўғулистон билан чегаралар хавфсизлигини таъминлаш учун жўнатди⁴². Амирлар эса Темурнинг Самарқандда эмаслигидан фойдаланиб, Андижон вилояти доруғаси амир Ҳамадийни ҳам ўз томонларига оғдирганлари ҳолда исён кўтардилар⁴³. Худди шу вақтда арлот қабиласидан ташкил топган ҳарбий қисм ҳам исён кўтариб, Хоразм томон кетаётган Амир Темур лашкарини тарк этди. Мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларида Одилшоҳ, Сари Буға, Ҳамадий ва жанубий ҳудудларида эса Туркон арлот бошчилигида бир вақтда исён бошланганлиги, улар аввалдан тузилган режа асосида ўзаро иттифоқликда ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Одилшоҳ бошчилигидаги исёнчилар кўшини аввал Самарқандни қамал қилди. Шаҳарни забт этолмаган фитначилар Хоразмдан шошилинич ортга қайтаётган Амир Темур лашкари билан Кармана шаҳри яқинида тўқнашдилар. Жангда мағлуб бўлган исёнчи амирлар дастлаб Дашти Қипчоққа, кейин эса Мўғулистонга чекиндилар.

Айнан шу исён оқибатида 1376 йили Фарғона водийсининг маъмурий тузилишида катта ўзгаришлар юз берди. Хўжанд ва Андижон вилоятлари бирлаштирилиб, ягона Фарғона мулки сифатида Мирзо Умаршайхга иқтоъ қилиб берилди⁴⁴. Бу Фарғонада Амир Темур ҳокимияти тўлиқ ўрнатилганлигининг расмийлаштирилиши эди. Шу тариқа, Фарғона вилояти Амир Темур томонидан таъсис этилган биринчи улусга айланди⁴⁵.

Мовароуннахрдан қочиб борган исёнчиларнинг иғвоси билан Мўғулистон ҳукмдори Қамариддин 1376 йилнинг ёзида Фарғонага бостириб

³⁹ Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – P. 62.

⁴⁰ Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – С. 82.

⁴¹ Натанзий. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний. – Б. 189; 500. ص. اول. جلد اول. حافظ ابرو. Самарқандий. مقطوع السعدين... . Қўлёзма. –Б. 146.

⁴² 512. ص. اول. جلد اول. حافظ ابرو.

⁴³ Ўяздий. Зафарнома. – Б. 79; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 79; Аҳмедов. Б. Амир Темурни ёд этиб. – Б. 329; Аскарлов А. Амир Темур и его роль в истории. // Общественные науки в Узбекистане. 1996. № 7-10. – С.21; Амир Темур жаҳон тарихида – Б. 65; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. – С. 56; Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – P. 69; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 87.

⁴⁴ Натанзий. Мунтахаб ут-тавориhi Муиний. – Б. 191; Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – P. 69.

⁴⁵ 1380-1381 йиллари Хуросон вилояти Мирзо Мироншоҳга, 1392 йили Кобул, Ғазни, Қандаҳор ва то Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлар Мирзо Пирмуҳаммадга, 1397 йили Хуросон вилояти Мирзо Шохрухга инъом этилган. Мирзо Умаршайх ва Мирзо Мироншоҳларга суюрғол қилиб берилган вилоятлар 1393 йили ўзгартирилган. Қаранг: Ўяздий. Зафарнома. – Б. 88, 141, 155-156, 187; Roemer H.R. Timur in Iran. – P. 93-95 (кейинги ўринларда – Roemer H.R. Timur in Iran).

кирди⁴⁶. Мўғул лашкари Қарсоб бўйидаги жангда ғалабага эришган бўлса ҳам водий шаҳарларини забт эта олмади⁴⁷. Мирзо Умаршайх томонидан Андижон шаҳрининг қалъа деворлари янгидан бунёд этилгани ҳам ўз самарасини берган⁴⁸. Кўп ўтмай, улар Амир Темурнинг катта қўшин билан ёрдамга келаётгани сабабли чекинишга мажбур бўлди. Айти шу жараён ва тарихий воқеаларнинг кейинги ривожини Фарғона улусининг ташкил этилиши сиёсий ҳамда ҳарбий нуқтаи назардан ўзини тўла оқлаганлигини кўрсатади.

Бобнинг навбатдаги параграфи **“Мовароуннахр шимоли-шарқий чегараларини мустаҳкамлашда Фарғона ҳокими Мирзо Умаршайх фаолиятининг аҳамияти”** деб номланган. Унда Амир Темурнинг Фарғона улусини ташкил этишдан мақсади фақатгина водий хавфсизлигини таъминлашдан иборат эмаслиги, Мирзо Умаршайх зиммасига нафақат водийни бошқариш, балки Мўғулистондаги сиёсий ҳолатни кузатиб бориш каби вазифалар ҳам юкланганлиги кўриб чиқилган. Давлатнинг Мовароуннахрдаги сиёсий ва ҳарбий мавқеи тўла барқарорлашгунга қадар Фарғона ҳокими Мирзо Умаршайх водийни тарқ этмаган. Чунки Амир Темур Хуросон ва Эрондаги ҳарбий юришлар билан банд бўлган вақтда Мўғулистон билан чегарадош бўлган ҳудудда Мирзо Умаршайх бошчилигидаги кучли ҳимоянинг ташкил этилиши Мовароуннахр хавфсизлиги учун жуда муҳим эди. Ушбу фикрларни воқеаларнинг кейинги ривожини ҳам тасдиқлайди.

Тўхтамишхон лашкари 1387 йилнинг охирида Амир Темурнинг Эронда бўлганлигидан фойдаланиб, Мовароуннахрга бостириб кирганида⁴⁹, Мирзо Умаршайх бошчилигидаги лашкар душман билан Ўтрорда жангга кирди⁵⁰. Кўп ўтмай, у Фарғонада Мўғулистон амири Анқотўрага қарши кураш олиб боришга ҳам мажбур бўлди⁵¹. Анқотўра лашкари Андижонни қамал қилса-да⁵², лекин шаҳарни эгаллай олмасдан Мўғулистонга чекинди. Амир Темур Мовароуннахрга қайтиб келгач, мамлакат мудофааси учун олиб борилган жангларни таҳлил қилиб, Фарғона қўшинини алоҳида тақдирлади⁵³.

1389, 1390 йилларда Мўғулистонга қилинган йирик ҳарбий юришларининг ташкилланиши ва олиб борилишида Мирзо Умаршайх фаол иштирок этди. Ушбу ғолибона юришлардан сўнг Мўғулистон тахтига Амир Темурга хайрихоҳ бўлган кучлар чиқарилиши оқибатида Фарғонанинг

⁴⁶ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 162.

⁴⁷ Натанзий ва Ҳофизи Аbru жанг бўлиб ўтган жой номини Қарсоб (оби қарс), Абдураззоқ Самарқандий эса оби фарс шаклида берган. Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 191; 520. ص. جلد اول. – ص. 520. Самарқандий. مقطوع السعدين... Қўлёзма. – Б. 150.

⁴⁸ 520. ص. جلد اول. – ص. 520. Самарқандий. مقطوع السعدين... Қўлёзма. – Б. 150.

⁴⁹ Миргалеев И.М. Политическая история Золотой Орды периода правления Токтамыш-хана. – Казань: Алма-Лит, 2003. – С. 103-106; ўша муаллиф. Войны Токтамыш-хана с Аксак Тимуром. – Казань: Институт истории АН РТ, 2003. – С. 11.

⁵⁰ Шомий. Зафарнома. – Б. 143; Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 142; Йаздий. Зафарнома. – Б. 116-117; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... – Б. 118; İsmail Aka. Timur ve Devleti. – S. 15.

⁵¹ Шомий. Зафарнома. – Б. 143; 673- 672. ص. جلد دوم. – ص. 672. Самарқандий. مقطوع السعدين... Қўлёзма. – Б. 185-186.

⁵² Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 143; Йаздий. Зафарнома. – Б.117; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... – Б. 119.

⁵³ Йаздий. Зафарнома. – Б.119.

чегаралари янада мустахкамланди ва босқинчилик хужумларига бутунлай чек қўйилди. Натижада Фарғонани алоҳида улус сифатида сақлаб туриш эҳтиёжи қолмади. 1393 йили Фарғона улуси тугатилиб, вилоят сифатида Мовароуннахр таркибига қўшиб юборилди. Мирзо Умаршайх эса Форс мулкининг ҳокими этиб тайинланди.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи **“XIV аср охири ва XV аср бошларида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар”**, деб номланган бўлиб, унда Фарғона улусининг қайта ташкил этилиши масаласи таҳлил қилинган. Амир Темур Хитой юришига тайёргарлик кўриш учун 1398 йилнинг февраль ойида Мирзо Муҳаммад Султонни Мўғулистон чегараларига юборди⁵⁴. 1399 йилда етти йиллик юришни бошлашдан аввал Мовароуннахрнинг шарқий чегараларидаги вилоятларда маъмурий ўзгаришлар амалга оширилди. Муҳаммад Султон Ашпарадан Самарқандга чақириб олиниб, Фарғонани бошқариш марҳум Мирзо Умаршайхнинг ўғли Мирзо Искандарга топширилди⁵⁵. Шу тариқа 1393–1399 йилларда Самарқанд девонига бўйсунган Фарғона яна улус сифатида қайта ташкил этилди. Мирзо Искандарга ҳам чегарадош ҳудудлар хавфсизлигига эътибор қаратиш, Мўғулистондаги вазиятни назорат қилиб бориш, у ерда темурийларга номақбул вазиятни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, чегарада, жумладан, Ашпара атрофларида турган амирлар билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юкланган эди.

1404 йили водийни Шарқий Туркистон билан бирга Мирзо Иброҳимга, Тошкент ва Сайрамни Мўғулистон билан бирга Мирзо Улуғбекка суюрғол этиб берилиши⁵⁶ Амир Темур Фарғонани яна улус сифатида қайта ташкил қилиш орқали қандай мақсадни кўзлаганлиги ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдиришга имкон беради. Амир Темур 1398 йилдан бошлаб Хитой юришига жиддий тайёргарлик кўра бошларкан, Мўғулистон билан чегарадаги шаҳарларни қайта тиклаб, уларнинг атрофида деҳқончилик воҳаларини кенгайтиради. Бу эса Хитойгача бўлган ерларни забт этиб, шу ҳудудларда Тошкент, Сайрам ва Фарғона водийси шаҳарларини ҳам ўз ичига олган, яъни деҳқончилик ва чорвачилик ҳудудларидан иборат улуслар ташкил этиш режаси бўлганлигини кўрсатади. Агарда бу улуслар ташкил этилса, Мўғулистон тўла забт этилиб, иккига бўлиб юборилар, Хитойгача бўлган ерлар темурийлар қўлига ўтиб, Буюк Ипак йўлининг Хитой чегараларидан то Ўрта ер ва Қора денгиз соҳилларигача бўлган қисмларида тўла хавфсизлик ўрнатиларди. Амир Темур Буюк Ипак йўлининг ушбу қисмида савдо-элчилик алоқаларини мунтазам йўлга қўйилишига интилган⁵⁷. Бу икки улуснинг мавжудлиги кўчманчи қабилаларнинг Мовароуннахрга талончилик юришлари хавфини келажакда ҳам йўқотилиши кафолати эди. Мирзо Искандарга Фарғона водийсининг суюрғол қилиб берилиши айнан шу

⁵⁴ Ўша асар. – Б.191.

⁵⁵ Ўша асар. – Б. 225; Шомий. Зафарнома. – Б. 278.

⁵⁶ Йаздий. Зафарнома. – Б.293; Бартольд В.В. Улугбек и его время. – С. 69-70; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 49.

⁵⁷ Бўриев О. Фарғона водийсининг Темурийлар манбаларидаги тавсифи. – Б. 11; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017. – Б. 199.

режани амалга ошириш орзуси йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Гарчи у 1399–1400 йиллари Шарқий Туркистонга берухсат юриш қилганлиги сабабли Фарғона улуси яна тугатилган бўлса-да⁵⁸, Амир Темур Етти йиллик юришдан қайтиб келиши биланоқ улусларни қайта ташкил этишга фармон бериши юқоридаги фикрларимизни асослайди⁵⁹.

Диссертациянинг учинчи боби **“Фарғона водийсининг темурийлар даври сиёсий ҳаёти тадқиқи”**, деб номланган. Унинг биринчи параграфи Амир Темур вафотидан сўнг мамлакатда бошланиб кетган ўзаро курашлар даврида юз берган сиёсий воқеалар таҳлилига бағишланган.

1405 йилда Андижон шахрининг ҳокими амир Саодат эди. Лекин кўп ўтмай, Фарғонада амир Худойдод Ҳусайнийнинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Водийнинг амир Худойдод тасарруфига қай тарзда ўтганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. 1405 йилнинг май ойида Халил Султон томонидан Мирзо Пирмуҳаммадга қарши жўнатилган лашкар саркардалари сафида амир Саодатнинг ҳам борлиги бу вақтда унинг Фарғона водийсидан чиқиб кетганлигини кўрсатади⁶⁰.

Фарғона ҳокими Худойдод Ҳусайний доимий равишда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга, қўли остидаги ҳудудларни кенгайтиришга интилган. У Ўратепа вилоятини ҳам мулклари таркибига қўшиб олди. 1407 йили Халил Султон Амударё бўйларида Мовароуннахрнинг жанубий сарҳадларини мустаҳкамлаш билан банд бўлганлигидан фойдаланган Худойдод Ҳусайний Шайх Нуриддин билан биргаликда Самарқанд шахрига юриш қилди. Гарчи амирлар қўшини шахарни эгаллай олмаган бўлса-да, катта ўлжани қўлга киритди. Мирзо Шоҳруҳга қарши Хуросонда навбатдаги исёнларнинг бошланиши Халил Султон учун Мовароуннахрдаги исёнчи амирларга қарши асосий ҳарбий кучларини сафарбар этиш имконини берди⁶¹. Халил Султон мазкур юришда ғалабага эришган бўлса-да, амирларни бутунлай ўзига бўйсундира олмади.

Худойдод Ҳусайнийнинг Халил Султонга қарши навбатдаги юриши 1409 йилда бошланиб, Халил Султон асир олиниши ва Мовароуннахрнинг забт этилиши билан якун топди⁶². Лекин бу ҳол Мирзо Шоҳруҳни қониқтирмасди. У Мовароуннахрга юриш қилиб, Худойдод Ҳусайний ҳокимлигини тугатди. Шу тариқа 1405 йилдан алоҳида мулк сифатида мавжуд бўлган Фарғона водийсида Мирзо Шоҳруҳ ҳукмронлиги ўрнатилди. У Фарғонани Мовароуннахр таркибига қўшиб юбормади ва ўз вақтида Амир

⁵⁸Иъзидий. Зафарнома. – Б. 225-226; 939-938, 897-894. جلد دوم. – ص. 84; Файзиев Х. Шоҳруҳ мирзо ва унинг ташқи сиёсати. – Б. 61.

⁵⁹ Ҳ. Р. Ромер 1402 йили Халил Султонга Фарғонани бошқариш топширилганлигини таъкидлаган. Лекин манбалар буни тасдиқламайди. Фикримизча, муаллиф 1402 йили Халил Султоннинг Туркистон атрофларидаги Хитойга борадиган йўлларни муҳофаза қилиш учун юборилганлигидан келиб чиқиб, шундай фикрга келган. Лекин бу маълумот Халил Султоннинг Фарғона ҳокими бўлганлигини асосламайди. Қаранг: Иъзидий. Зафарнома. – Б. 262; Roemer H.R. Timur in Iran. – P. 100.

⁶⁰ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур 2 – китоб. – Б. 5; Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б.81-83; Бартольд В.В. Улугбек и его время. – С. 80-81.

⁶¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур 2 – китоб. – Б. 45-46; Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б.105-133.

⁶² 279. جلد سوم. – ص. 56; Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б.146-148.

Темур томонидан Фарғона ҳокими этиб тайинланган Мирзо Умаршайхнинг ўғли Мирзо Аҳмадга суюрғол қилиб берди⁶³. Форбес Манз шарқий чегаралардаги стратегик муҳим ва бой вилоят айнан ушбу шахзода инъом этилишига Шохруҳнинг Амир Темур сиёсатини давом эттириш нияти, Мирзо Аҳмаднинг шахзодалар ичида нисбатан ёши каттаси ва тажрибалиси бўлганлиги таъсир қилганлигини таъкидлайди⁶⁴. Ушбу маъмурий ўзгариш пайтида Ўратепа Фарғона вилояти таркибидан чиқарилган бўлса, аксинча, Кошғар кўшилди. Шохруҳ Мирзо Аҳмадга чегараларни мустаҳкамлаш, халқнинг аҳволини яхшилаш чора-тадбирларни кўришни муҳим вазифа этиб тайинлади⁶⁵.

Шохруҳнинг Фарғонадаги ноиби сифатида Мирзо Аҳмад ўзининг вазифаларини тўлиқ бажаришга ҳаракат қилди⁶⁶. У Мўғулистон давлати билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатди.

Бобнинг иккинчи параграфи **“Мирзо Улуғбекнинг Мўғулистон билан олиб борган муносабатларида Фарғона водийсининг тутган роли”**, деб номланган. Унда Фарғонанинг Мирзо Улуғбек мулклари таркибига киритилиши ва унинг оқибатлари тадқиқ этилган.

Мирзо Улуғбекнинг ноибликдаги илк мустақил ҳаракати Фарғона водийсини тасарруфига олишдан бошланди ва у ҳарбий ҳаракатлар эвазига мақсадига эришди. Фарғонани Улуғбек кўлига ўтишидан чўчиган Мўғулистон хони Муҳаммадхоннинг Мирзо Аҳмадга ёрдами ҳам самарасиз бўлиб чиқди⁶⁷ ва у Кошғарга чекинишга мажбур бўлди. 1415 йилнинг ёзида Мўғулистонда юз берган сиёсий ўзгаришлар⁶⁸ сабабли Мирзо Аҳмад мўғуллар ёрдамидан умид узди ва Мирзо Шохруҳ жўнатган юпанчнома таъсирида Ҳиротга кетди. Мирзо Аҳмад ҳажга жўнатилиб, сиёсат майдонидан буткул четлатилгач⁶⁹, унинг Кошғардаги ноиби Шайх Али Тағои ҳам Мирзо Улуғбекга ушбу вилоятни топширди⁷⁰.

Фарғонанинг Мирзо Улуғбек бошқарувига ўтганлиги, 1425 йилда амалга оширилган Мўғулистон юришидаги ғалабалар, мамлакат шарқий чегараларини мустаҳкамланишида ҳамда ўзаро урушлар, кўчманчи қабилаларнинг талончилик хужумларини олдини олинишида муҳим қадам бўлди.

“Мирзо Султон Абу Саъиднинг давлатчилик фаолиятида Фарғона водийси” номли параграф ушбу ҳукмдор томонидан водийда темурийлар

⁶³ Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – С. 152; Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – P. 135.

⁶⁴ Manz Beatrice Forbes. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. – P. 26.

⁶⁵ Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б. 158; шунингдек, яна қаранг: Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – С. 152.

⁶⁶ Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б. 186-187.

⁶⁷ Ўша асар. – Б. 254-255.

⁶⁸ 636. ص. – جلد چهارم. حافظ ابرو. فاسخ Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – С.174; Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б.296.

⁶⁹ Б.Ф. Манз 1416 йили Мирзо Аҳмад ҳажга жўнатирилганлиги учун бўлса керак, унинг ҳокимликдан четлатилишини айнан шу йилда содир бўлган, деб ҳисоблайди. Қаранг: Manz Beatrice Forbes. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. – P. 32-33.

⁷⁰ İsmail Aka. Timur ve Devleti. – S. 58.

хокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган чора тадбирлар тадқиқига бағишланган.

Мирзо Шохруҳ вафотидан сўнг бошланган тахт учун курашлар Фарғонада кўчманчи қабилаларининг янги босқинлари бошланишига йўл очди. Мирзо Султон Абу Саъид мўғул хони Эсан Буғахоннинг юришларига қарши курашишга мажбур бўлди. Икки ўртада олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг саналари ҳақида тарихий манбаларда аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Биз воқеалар таҳлилидан келиб чиқиб, Эсан Буғахоннинг Мовароуннаҳр, шу жумладан, Фарғонага қилган юришлари, Мирзо Султон Абу Саъиднинг унга қарши олиб борган тадбирлари, мўғул хони Юнусхон сиёсий фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ саналар бўйича қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Эсан Буғахоннинг биринчи юриши Мирзо Султон Абу Саъид Самарқанд тахтини эгалламасдан аввал, яъни 1450 йили юз берган, унда Тошкент ва Сайрам вилоятлари талон-тароҳ қилинган.

2. Мўғул хонининг иккинчи юриши 1452 йилда Фарғона водийсига амалга оширилган.

3. Ушбу босқинга жавобан эса Мирзо Султон Абу Саъид Фарғонага юриш қилиб Аҳси ва Андижондан мўғулларни қувиб юборган⁷¹.

4. Мирзо Султон Абу Саъиднинг Эсан Буғахонга қарши иккинчи юриши 1452–1453 йилларда амалга оширилган бўлиб унда темурийлар кўшини Ашпара қалъасигача етиб борган.

5. Эсан Буғахоннинг учинчи юриши 1457 йилда бўлиб ўтган ва унда Фарғона водийси талон-тароҳ қилинган.

6. Султон Абу Саъид 1457 йили Юнусхонни Ироқдан олиб келиб, ҳарбий кучлар билан таъминлади ва уни Мўғулистон тахти учун курашга йўллади.

Юнусхоннинг Мўғулистонга кириб бориши у ерда ўзаро урушларнинг бошланишига олиб келди. Бир неча йил давом этган кураш оқибатида Юнусхон Мўғулистон тахтини қўлга киритди. Бу эса Мўғулистонда темурийлар таъсирининг ўрнатилишига олиб келди ва Фарғонанинг хавфсизлигини мустаҳкамлади.

Бу ҳолат Мовароуннаҳр ва унинг бир қисми бўлмиш Фарғонада буткул тинчлик ўрнатилганлигини билдирмас эди. Темурийлар тахти даъвогарларидан бири Муҳаммад Жўкий исёни Фарғонада ҳам навбатдаги сиёсий беқарорликни келтириб чиқарди⁷². 1460-1461 йилнинг қишида Мирзо Муҳаммад Жўкий тасарруфига ўтган Фарғона 1462 йилнинг охирига келибгина яна Мирзо Султон Абу Саъид ҳукмдорлигига қайтарилади. Фарғона масаласида Амир Темур ва Мирзо Шохруҳнинг сиёсатини давом эттирган Абу Саъид уни бошқаришни ўғли Мирзо Умаршайхга топширди.

⁷¹ Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvərix (Tarixlərin ən yaxşısı). Kastamonu: Uzanlar, 2017. – S.184; Алан Хайрунниса келтирган маълумотлар ҳам ушбу фикримизни асослашга ёрдам беради. Қаранг: Alan Hayrunnisa. Sultan Ebu Said devri Timurli tarihi (1451-1469). Doktora tezi. Mimar Sinan Universitesi. Istanbul – Kasim. 1996. – S. 154-155.

⁷² Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 2-3-Қ. – Б. 510-513; Roemer H.R. Timur in Iran. – P. 115.

Учинчи бобнинг сўнги параграфи “**XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар**”, деб номланган бўлиб, ушбу даврда юз берган сиёсий жараёнлар тарихий манбалар асосида таҳлил этилган.

Мирзо Умаршайхнинг Фарғона водийсидаги ҳокимлиги 1462 йилнинг охирларидан бошланган. Мирзо Умаршайх ёш бўлганлиги учун вилоятни унинг номидан оталиғи Худойберди Темуртош бошқаради⁷³. Ундан сўнг оталиқ вазифасига Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой тайинланиб, 1465 йилдан 1469–1470 йилларга қадар шу лавозимда фаолият олиб борди. Султон Абу Саъид мирзо вафотидан кейин Андижон беклари билан тил топиша олмаган амир Ҳофизбек Самарқандга қайтиб кетади⁷⁴. Унинг Андижонни тарк этиши Мирзо Умаршайхнинг вилоятни мустақил бошқариш хоҳиши билан боғлиқ эди. Унинг мустақил ҳокимлик даврини 1469 йилдан белгилаш ҳар жихатдан тўғри бўлади.

Мирзо Умаршайх даврида ҳам Фарғонадаги асосий сиёсий воқеалар Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган Мўғулистондаги вазиятга боғлиқ ҳолда кечди. Расман Самарқанд ҳукмдорига бўйсунган, амалда эса Тошкент, Сайрам ва Шохрухияни мустақил бошқарган Шайх Жамол ўлдирилгач⁷⁵, Мирзо Султон Аҳмад унинг ерларини тўлиқ ўзига бўйсундириб олди. Бу эса Мовароуннаҳрда кучлар нисбатининг кескин ўзгаришига олиб келди. Аввал фақат Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари устидан ҳукмронлик қилаётган Мирзо Султон Аҳмаднинг мулклари кескин кўпайди ва у Фарғонага тўлиқ чегарадош бўлиб қолди. Натижада Мирзо Умаршайх Мўғулистон ҳукмдори Юнусхон билан яқинлашишга мажбур бўлди. Бу яқинлашув 1475 йилда сулолавий никоҳ билан мустаҳкамланди – Умаршайх мирзо Юнусхоннинг кизи Қутлуғ Нигор хонимга уйланди⁷⁶. Бу никоҳдан ҳар икки томон ҳам ўз сиёсий мақсадларини кўзлаган эди.

Тошкент, Сайрам ва Шохрухиянинг Мирзо Умаршайх қўл остига ўтиши масаласида илмий адабиётларда бир қатор фикрлар билдирилган⁷⁷. Бизнингча, Тошкент, Сайрам ва Шохрухия учун икки темурийзода ўртасидаги низонинг айнан XV асрнинг 70-йиллари ўрталарига келиб кескинлашганлиги, бу ҳудудлар дастлаб Мирзо Султон Аҳмад қўлида бўлганлигидан, кейинчалик, айти шу йилларда Мирзо Умаршайх ихтиёрига ўтганлигидан далолат беради. Агар 1472-1473 йилларда Тошкент, Шохрухия ва Сайрам вилоятлари Фарғона таркибида бўлганида, бу ҳудудлар учун ўзаро кураш аллақачон бошланиб кетган бўларди. Самарқандни бўйсундириш орзусида бўлган Мирзо Умаршайх мазкур ҳудудларнинг имкониятларидан

⁷³ Бобур. Бобурнома.– Б.15

⁷⁴ Ўша асар.– Б.15.

⁷⁵ Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – С. 119.

⁷⁶ Ўша асар. – С. 120-121.

⁷⁷ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома.– Б. 377; Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – С. 89; Азимджанова С.А. К истории Ферганы второй половины XV в. – С. 24; Аҳмедов Б. Темур ва Қамариддин. / Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб.– Б. 361; Аҳмедов Б. Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихини ўрганишга доир. / Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.– Б. 216.

фойдаланиб, темурийлар пойтахтини эгаллаш учун йирик ҳарбий юриш уюштириши мумкин эди.

Мирзо Султон Аҳмаднинг Тошкент, Сайрам ва Шоҳрухияни қайтариб олиш мақсадидаги юришларига эса Юнусхон ҳалақит берди. У ҳар сафар Мирзо Умаршайх учун ёрдамга етиб келди ва эвазига Фарғонанинг Аҳси, Марғилон, Ўш шаҳарларини қўлга киритишга уриниб кўрди. Мирзо Умаршайх эса ҳар гал водий шаҳарларини ҳамда Тошкент, Сайрам ва Шоҳрухия вилоятларини ўзида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, Мирзо Умаршайх аввал Сайрам ва Шоҳрухияни, 1485 йили эса Тошкентни ҳам қўлдан чиқарди. 1487 йили Юнусхоннинг вафот этиши билан Умаршайхда Тошкент вилоятини қайтариб олиш имконияти пайдо бўлса-да, лекин бу уриниш самарасиз бўлди⁷⁸. Мирзо Султон Аҳмад ва мўғуллар ўртасидаги курашдан фойдаланган Мирзо Умаршайх 1487 йили фақатгина Ўратепани забт этишга эришди⁷⁹.

1494 йили ўзаро иттифоқчиликда Самарқанд ҳукмдори Мирзо Султон Аҳмад, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон ва Кошғар ҳокими Абубакр дуғлат Фарғона томон юриш бошлайди⁸⁰. Мирзо Султон Аҳмад Ўратепа, Хўжанд Марғилонни эгаллаб, Кубога етиб келган, Султон Маҳмудхон ҳам Сирдарёнинг шимолий қисмидаги шаҳарларни забт этаётган, Абубакр дуғлат Ўзгандни қамал қилаётган вақтда Мирзо Умаршайх тўсатдан вафот этди. Мирзо Бобурнинг тахтга ўтириши жуда таҳликали кунларга тўғри келди. Лекин Фарғона амирларининг тadbиркорлиги, қолаверса, Кубо сувидан ўтиш жараёнида Султон Аҳмад қўшинининг зарар топиши ва лашкарда тарқалган от ўлати касаллиги вазиятни тубдан ўзгартирди. Мирзо Султон Аҳмад сулҳ тузиб, Ўратепа ва Хўжанд билан чекланиб, Марғилонни Мирзо Бобур ихтиёрига қайтарди. Бу вазиятда Султон Маҳмудхон ҳам, Абубакр дуғлат ҳам сулҳ тузиб, ўз юртларига қайтиб кетдилар. Шундай қилиб, тахтга чиққан ёш Мирзо Бобур отасининг мулкларидан Ўратепа ва Хўжанддан ташқари барчасини ўз қўлида сақлаб қолишга эришади.

Қисқа вақт ичида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаган Мирзо Бобур 1495 йилда Хўжандни қайтариб олди. 1496–1497 йиллари Самарқанд тахти учун кураш олиб бориб, темурийлар пойтахтини эгаллаган бўлса ҳам, уни қўлида тутиб қола олмади. У Фарғона учун укаси Мирзо Жаҳонгир билан рақобатлашишга мажбур бўлди. Аслида эса, бу ҳокимиятни қўлга киритиб олган йирик амирлар билан кураш эди. 1503 йилга келиб, амалдагина эмас, расман ҳам Фарғонада ҳокимият Султон Аҳмад Танбал қўлига ўтди. Бу Фарғона водийсида темурийлар сулоласи ҳукмронлигининг тугатилганлигини билдирарди.

“Фарғона водийсининг иқтисодий ва маданий ҳаёти” номли тўртинчи боб биринчи параграфида иқтисодий ҳаёт масалалари ёритилган⁸¹.

⁷⁸ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – С. 142-143.

⁷⁹ Бобур. Бобурнома. – Б.15.

⁸⁰ Ўша асар. – Б.9.

⁸¹ Масала анъанавий усулда, яъни ер эгалиги шакллари, солиқлар ва уларнинг турларини ўрганиш орқали эмас, чунки, бу муаммо мазкур услубда С. Азимжонова ва С. Жалиловларнинг тадқиқотларида чуқур

Ҳар бир даврнинг иқтисодий ҳаётини ўрганиш тарих фанининг муҳим йўналишларидан биридир. Д. Алимова таъкидлаганидек, иқтисодиётни жаҳон миқёсида, минтақавий, ҳудудий ўрганиш, яъни макро ва микро ҳудудларни – шаҳар, туман, қишлоқларни тарих контекстида хронологик ва қиёсий аспектда тадқиқ этиш давлатнинг ривожланиши ёхуд инқирози сабабларини англашга имкон беради. Иқтисодий ҳаётнинг ривожланиш даражаси давлат бошқаруви, урушлар, иқлим, ҳосилдорлик, илм-фан ривожи каби бир қатор омиллар билан боғлиқдир⁸². Шу жиҳатдан Амир Темур ва темурийлар даври Фарғона иқтисодий ҳаётини ўрганиш ушбу ҳудуд тарихини комплекс таҳлил этиш имконини беради.

Бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби Фарғонада ҳам деҳқончилик соҳасида донли экинлар етиштириш, полиз экинлари ва боғдорчилик ривожланган. Дон маҳсулотларидан мўл ҳосил олиниб, бошқа вилоятларга ҳам чиқарилган⁸³. Нуфуз жиҳатдан кейинги ўринда полиз экинлари ва боғдорчилик соҳалари бўлиб, Фарғонанинг “Мири Темурий” ва “Исмоил Шайхий” каби қовун навлари анча машҳур бўлган⁸⁴. Боғдорчиликда эса бир неча мева турларига ихтисослашган Андижон, Марғилон, Ўш, Исфара, Конибодом, Хўжанд, Косон каби боғдорчилик марказларининг шаклланганлиги эътиборга моликдир. Уларнинг ичида Ўш, Исфара, Косон боғдорчилик марказлари истироҳат олиш объектлари сифатида ҳам шуҳрат топган⁸⁵.

Мовароуннаҳрнинг шарқий чегарасидаги вилоят бўлмиш Фарғонада чорвачилик ҳам тараққий этган соҳалардан бири эди. Яйлов чорвачилиги билан асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли шуғулланган. Манбалар Андижоннинг шарқидаги тоғларда яшаган чакрак қабилалари, жанубдаги Ашпорён ва Турукшорон мавзеларида яшаган кўчманчи чорвадор аҳоли ҳақида маълумот беради⁸⁶. Улар асосан от, қўй ва қўтос боқиш билан шуғулланган. Маълумотлар таҳлили бизга биргина чакрак қабилаларининг ўзида 800 мингдан ортиқ қўй, 40 – 60 минг атрофида от бўлганлигини тахмин қилиш имконини беради⁸⁷. Водийда чорвачиликнинг уй чорвачилиги ҳам ривожланган бўлиб, мазкур соҳа билан ўтроқ, асосан қишлоқ, қисман шаҳар аҳолиси шуғулланган. Айрим йирик мулк эгалари ўзлари ўтроқ яшасалар-да, йирик яйлов ва чорвага ҳам эгалик қилган⁸⁸. Улар ўтроқ ҳудудларга яқин

ўрганилган, балки тўғридан-тўғри иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлмиш қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, қончилик ва савдо соҳалари таҳлили орқали тадқиқ этилди.

⁸² Алимова Д. А. Историческая наука в контексте междисциплинарного синтеза и трансдисциплинарности: путь к полноценному исследованию. // Алимова Д.А. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. – Т.: Vaktria press, 2017. – С. 13-14.

⁸³ Мухаммад Солих. Шайбонийнома.– Б. 192, 238-239; Бобур. Бобурнома.– Б. 5; Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (География). / Введения, пер., прим., указ. Б.А. Ахмедова. – Т.: Фан, 1977. – С. 40,65 (кейинги ўринларда – Махмуд ибн Вали. Море тайн...); Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 114.

⁸⁴ Бобур. Бобурнома.– Б.8, 53; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 152.

⁸⁵ Бобур. Бобурнома. – Б. 6-8; Махмуд ибн Вали. Море тайн. – С. 40,65, 70; Алимов Ў. Амир Темур даврида боғдорчилик. // Амир Темур сабоқлари. Амир Темур ва инсон манфаатлари. Халқаро илмий конференция материаллари. – Т.:Шарқ, 1998. – Б. 54-55.

⁸⁶ Бобур. Бобурнома.– Б. 32, 58; Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашидий. – С. 204.

⁸⁷ Бобур. Бобурнома. – Б. 58.

⁸⁸ Ўша асар. – Б. 50.

бўлган жойлардаги яйловларда деҳқончиликдан ташқари чорвачилик билан ҳам шуғулланган.

Хунармандчиликнинг ривожланиб бориши шаҳарлар тараққиёти билан биргаликда кечувчи жараёнлардир. Тарихий манбалардаги маълумотлар⁸⁹ таҳлили шуни кўрсатадики, XIV аср ўрталарида водийнинг энг йирик шаҳарлари бўлган Хўжанд ва Андижон Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки йилларида шу номдаги вилоятларнинг маъмурий марказлари эди. 1376 йилги сиёсий жараёнлардан сўнг Андижон шаҳрининг мавқеи ошди. Бу вақтда водийнинг нуфузи жиҳатидан учинчи шахри Марғилон бўлган. XIV аср охири – XV аср бошларига келиб, Аҳси шахри водийнинг йирик шаҳарларидан бирига айланди. XV асрнинг ўрталарида Андижон шаҳрининг мўғул хони Эсан Буғахон томонидан талон-тарош қилиниши унинг ривожланишига салбий таъсир қилди. Бу эса Аҳси шахрини айни вақтда Фарғонанинг маъмурий марказига айланишига олиб келди. Лекин кўп ўтмай, Буюк Ипак йўлининг муҳим бекатларидан бири бўлмиш Андижон шахри ўзининг олдинги мавқеини тўла тиклаб олишга эришди. Шунингдек, Ўш, Ўзганд, Исфара, Конибодом, Поп, Косон каби катта ва кичик шаҳарлар ҳам хунармандчилик марказлари эди. Тарихий манбалардаги маълумотлар тадқиқи XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср давомида шаҳарлар ривожланиб, уларнинг сони ошиб борганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради. Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғонанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида 10 дан ортиқ шаҳар ва шаҳарчаларнинг ўрни жуда муҳим бўлиб, хунармандчиликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хунармандчиликнинг кенг тарқалган тармоғи тўқувчилик ва тикувчилик эди. Тарихий манбалардаги маълумотлар ва миниатюралардаги расмлардан аҳоли асосан ип, шойи ва жундан тайёрланган газламалардан тикилган матоларни кийганлиги маълум⁹⁰. Шунингдек, юқори табақа вакиллари учун маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган алоҳида тикувчилар тоифаси ҳам шаклланган⁹¹. Фарғонада хунармандчиликнинг муҳим тармоқларидан бири кулолчилик бўлган. Археологик тадқиқотларда кулолчилик маҳсулотларининг кўплаб топилиши ва уларнинг тадқиқ этилиши ушбу соҳанинг водий иқтисодиётида муҳим ўрин тутганлиги хусусидаги хулосага олиб келади. Илмий адабиётларда Андижон⁹² ва Аҳси⁹³ шаҳарларида йирик кулолчилик устахоналари фаолият кўрсатгани, улардаги ишлаб чиқариш

⁸⁹ Шомий. Зафарнома. – Б. 28-32, 97-100; Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Б. 314, 324; Ўзғандий. Зафарнома. – Б. 19-62, 78-82, 293; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... – Б. 311.

⁹⁰ Мадраимов А. Темурий ва Бобурийлар даври миниатюра санъати ривожини. – Т.: Фан, 2019. – Б. 106-111; Давлатова С. Амир Темур ва Темурийлар даври кийиниш маданияти хусусида айрим мулоҳазалар. / Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2016 йил 9 апрель. 9-китоб. – Т.: «MASHUR-PRESS», 2017. – Б. 166-174.

⁹¹ Хондамир. Ҳабиб ус сийар. – Б. 874.

⁹² Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан. – С. 227-230.

⁹³ Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 128.

ҳажми ва сифати⁹⁴ Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари даражасидан қолишмаганлиги таъкидланади.

Ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган турларидан яна бири қуролсозлик эди. Баъзи қурол-яроғлар четдан келтирилган бўлса, маълум бир турлари шу ерда ишлаб чиқарилиб, бошқа ҳудудларга ҳам етказиб берилган⁹⁵. Манбаларда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва уларнинг атроф ўлкаларга чиқарилиши хусусида маълумотлар сақланиб қолган⁹⁶.

Водийда кончилик муайян даражада ривож топган. Манбалар ва илмий адабиётларда Фарғона тоғларидан олтин, кумуш, мис, ложувард, нефть, кўрғошин, симоб, навшадил темир, фируза, тошқўмир ва турли мавжланувчи рангли тошлар қазиб олингани таъкидланади⁹⁷. Лекин ушбу даврда Фарғонада кончилик соҳаси IX–XII асрлар даражасига чиқа олмаган.

Фарғона Буюк Ипак йўлининг тармоқларидан бирида жойлашган бўлиб, ташқи ва ички савдо водий иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фарғона водийси халқаро ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари тизимига эга эди⁹⁸. Ташқи савдо моҳиятан иккига бўлинарди. Биринчиси, транзит савдоси бўлса, иккинчиси, водий маҳсулотларини хорижда сотиш ва Фарғонага бошқа мамлакатлардан маҳсулот олиб келиш эди. Шарқий Туркистон ва Хитойга борувчи, Хитойдан Осиёнинг марказий ҳамда ғарбий ҳудудларига қатновчи қарвонлар асосан водий орқали ўтарди⁹⁹. Фарғонадан хорижий мамлакатларга чиқарилган товарлар қаторида қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотлари тарихий манбаларда санаб ўтилади¹⁰⁰. Узоқ мамлакатларга қилинадиган хатарли сафарлар, яхши даромад олиш эҳтиёжи савдогарлардан бирлашиш ва ўзаро маслаҳатлашиб иш олиб боришни тақозо қилган¹⁰¹.

Фарғона водийси хўжалиги Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам савдо алоқалари орқали чамбарчас боғланган эди¹⁰². Ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва савдонинг тараққий этиб бориши Мирзо Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти билан бирга кечди. Темурийлар даврида Андижон ва Аҳси шаҳарларидаги зарбхоналар орқали мис тангалар зарб этилиб, ички савдода кенг фойдаланилди¹⁰³.

⁹⁴ Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. – Т.: «Sharq», 2014. – Б. 74-75 (кейинги ўринларда - Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи.).

⁹⁵ Бобур. Бобурнома. – Б. 8, 88.

⁹⁶ Ўша асар. – Б. 6, 8.

⁹⁷ Хафиз-и Абру. Извлечение из «Географии». // Перевод с персидского А. Буриева. / Материалы по истории Средней и Центральной Азии X – XIX вв. – Т.: Фан, 1988. – С. 143; Бобур. Бобурнома. – Б. 6, 8; Махмуд ибн Вали. Море тайн. – С. 65, 92; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 123.

⁹⁸ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. – Т.: Академиа, 2008. – Б. 184.

⁹⁹ Самарқандий. Матлаи саъдайн... . II Ж. 1-Қ. – Б. 452; Бобур. Бобурнома. – Б. 10; Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 157.

¹⁰⁰ Бобур. Бобурнома. – Б. 7-8.

¹⁰¹ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашидий. – С. 299.

¹⁰² Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Б. 138; Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи. – Б. 97.

¹⁰³ Давидович Е. А. История денежное обращение средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. В Мовараннахре) – М.: Наука, 1983. – С. 165-187; Кочнев Б.Д. Новый клад серебряных монет Амира Темура и Темуридов. // Амир Темур ва унинг дунё тарихида тугган ўрни. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция маърузалари баёни. –

Ушбу бобнинг **иккинчи қисмида** эса Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғонада кечган маданий ҳаёт тадқиқ этилди. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ривож топиши ҳамда ҳукмдорлар томонидан берилган катта эътибор темурийлар давлатида маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнашига олиб келди. Бу эса катта салтанатнинг чекка вилоятлари маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясади.

Маҳаллий маъмурий идораларнинг бошқарув, солиқ, адлия тизимида ўсиб бориши таълим соҳасидаги силжишларга эҳтиёж туғдирди ва водийда мактаб ҳамда мадрасаларнинг ривожланишига олиб келди¹⁰⁴. Фарғонанинг ҳокимлари бўлмиш Мирзо Искандар, Мирзо Умаршайхлар ҳам илм-фан, маданият ихлосманди ва ҳомийлари эди¹⁰⁵.

Фарғона водийсидан диний ва дунёвий илмларнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган бир қатор олим ва уламолар етишиб чиққан¹⁰⁶. Бу анъана темурийлар даврида ҳам давом этди. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод қилган Шайх Камол Хўжандий, Саййид Шамсиддин Муҳаммад Андижоний, Мавлоно Сафой, Юсуф Бадиий, Мавлоно Шох Хусайн Чорқухий, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Мавлоно Фозил Андижоний, Мавлоно Насибий Андижоний, Шох Тоҳир Андижоний, Ҳодий, Мавлоно Сангий каби илм-фан ва адабиёт намояндлари Фарғона илмий-адабий муҳитининг вакиллари эди¹⁰⁷. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи илмий адабиётларда Сулаймоний, Муҳаммад Муаммой, Вали Қаландар, Волахийларнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур саройида хизмат қилганлиги таъкидланган. Изланишлар натижаси улар аслида бошқа бир темурийзода Абулқосим Бобур саройида фаолият олиб борганлигини кўрсатди¹⁰⁸.

Самарқанд, 1996. – Б.15-16; Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Б. 86; Тўхтаев И. Темур ва Темурийлар сулоласининг тангалари. – Б. 21-27; Шпенева Л.Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху тимуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИА АН РУз, 1997. – 26 с.; Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов. – Самарқанд: МИЦАИ, 2013. – С. 51-58.

¹⁰⁴ Темурийлар даври қозихоналарида қозидан ташқари яна 6 нафар маълумотли шахс хизмат қилган. Қаранг: Аминов Х. Темурийлар даврида фикх илми (Қози ихтиёр асари асосида). / Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши. VIII Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2015 йил 20 октябрь. 8-китоб. – Т.: «MASHUR-PRESS», 2016. – Б. 74; Мария Субтелни Темурийлар даврида хўжаликнинг кўплаб соҳаларида профессионал менежерлар, бухгалтерлар ва молиявий аудиторлар фаолият юритганлигини таъкидлайди. Қаранг: Subtelny M. E. The Timurid Legacy: A Reaffirmation and a Reassessment. Cahiers d'Asie centrale. 3/4.1997. – P. 12. <https://journals.openedition.org/asiecentrale/462#tocto1n1>

¹⁰⁵ Навоий. Мажолисун нафоис. – Б. 165; Самарқандий. Матлаи саъдайн. – Б. 489-490; Бобур. Бобурнома. – Б. 10; Фулом Каримий. “Мунтахаб ут- таворихи Муиний”да Амир Темур даври тарихининг ёритилиши // Натанзий. Мунтахаб ут- таворихи Муиний. – Б. 14-16.

¹⁰⁶ Махмуд ибн Вали.Море тайн. – С.65.

¹⁰⁷ Навоий. Мажолисун нафоис. – Б. 59-61, 118; Хондамир. “Хулосат ул-ахбор”дан. / Форс тилидан Б. Аҳмедов таржимаси. // Навоий замондошлари хотирасида. – Б. 65-66; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... . – Б. 1055-1056, 1077; Бобур. Бобурнома. – Б. 158, 163; Нисорий. Музаққир аҳбоб. – Б. 102-103, 105, 116; Жалилов С. Эсон Давлатбегим чорбоғи. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси 2009 йил №13; Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати. – Б. 122, 124; Қаюмов А. Бобур даврида Андижон адабий муҳити; Хожа Юсуф Андижоний. – Т.: “MUMTOZ SO’Z”, 2009. – Б. 8, 14, 15 (кейинги ўринларда – Қаюмов А. Бобур даврида Андижон адабий муҳити; Хожа Юсуф Андижоний.).

¹⁰⁸ Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати. – Б. 127, 128; Навоий. Мажолисун нафоис. – Б. 8, 24, 45, 48-49.

Темурийлар салтанатининг маданий марказлари Ҳирот ва Самарқандда бўлгани каби Фарғонада ҳам амирлар орасидан Хожа Ҳусайнбек, Ҳасан Якуббек, Али Дарвеш, Хожа Калонбек каби ижодкорлар етишиб чиққан¹⁰⁹.

Темурийлар даври мусиқа санъатининг йирик намояндаларидан бири Хожа Юсуф Андижонийдир. Машҳур созанда, бастакор, шоир ва олим Хожа Юсуфнинг 360 дан ортиқ мусиқий асар яратгани маълум¹¹⁰. Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган, кейинчалик Шайбонийхон Хуросонни забт этгач, бошқа санъаткорлар каби Бухорога кўчирилган, ўнлаб янги куйлар яратган Мақсуд Андижоний ҳам ўз даврининг етук санъаткори эди¹¹¹. Шунингдек, манбаларда Мавлоно Ҳулуқий ва Гадоиберди каби мохир мусиқачилар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди¹¹².

Хаттотлик санъати маълум даражада ривож топган бўлиб, Али Дарвешбек, Мавлоно Ҳулуқий, Хожа Мулло Садрлар ўз даврининг яхши хаттотлари сифатида ном қозонганлар¹¹³.

Фарғонада дунёвий ва диний илм билан машғул бўлган бир қатор олиму уламолар яшаб ижод қилган. Мавлоно Мунир Марғинович, Абул Ҳасан Наср Марғилоний, Хожа Мулло Садр, Мавлоно Ҳулуқий, Мавлоно Юсуф Кошғарий, Мавлоно Шох Ҳусайн Чоркухий, Лутфулло ибн Фатхулло Чустийлар шулар жумласидандир¹¹⁴.

